

Ёзи билан Зебо







Экспертизадан утказылди
(01-145 УМКХТ Бонкар-
масининг хатига асосан)

Комиссия раиси :

Махкамова Х.Х.


Аъзолари:

Камиńskaя Е. Г.

Каробаевна Д. А.

Помогаева О. В.

Акбарва Да.



ЁЗИ БИЛАН ЗЕБО

Ёзиг олувчи ва нашрига:
тайёрловчи Охунжон Собиров

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЕШ ГВАРДИЯ» нашриёти
Тошкент — 1978

С 74

Собиров О.

Ёзи билан Зебо: Достон.
Ёзиг олувчи ва нашрга тай
ёрловчи О. Собиров. Т.:
«Ёш гвардия», 1978.— 96 б.

Собиров О. Язи и Зеба. Но-
эма.

Уз2

На узбекском языке

ЯЗИ И ЗЕБА

Издательство „Ёш гвардия“, Ташкент—1978.

Редактор Эмини Усмонов

Рассом Р. Халилов

Расмлар редактори Қ. Алиев

Техн. редактор Л. Буркина

Корректор М. Ортикова

ИБ № 255

Босмахонага берилди 28/II-1978 й. Босишга рухсат
втилди 6/VI-1978 й. Қозоз № 1 формати 70×108 мм^2 .
Босма листи $3,0 + 0,125$ форзац $+ 0,25$ вклейка. Шарт-
ли босма листи $4,2 + 0,17$ форзац $+ 0,35$ вклейка. Нашр
листи $3,634 + 0,28$ форзац $+ 0,32$ вкл. Тиражи 105000

Ўзбекистон ~~Министри~~ маказий Комитети „Ёш гвардия“,
наширети, Тошкент, 700129. Напойи кўчаси, 30.
Шартнома № 90—77. Баҳоси 55 т. Р—12452 Зак № 446

Ўзбекистон ~~Министри~~ маказий Комитети „Матбуот“ полиграфия бирлаш-
масишининг 1-босмахонаси. Тошкент. Ҳамза кўчаси, 21.

Э 70700—213 —
356(06)—78 73—78

© Издательство «Ёш гвардия» — 1978

«ЕЗИ БИЛАН ЗЕБО» ДОСТОНИ

Ижодкор халқ ўзи яратган энг нодир асарларга сай-
қал бериб, авлодларга мерос қилиб қолдиради. Бекиёс
бадиий тафаккур меваси бўлган оғзаки ижод асарла-
ри замонлар синовидан ўтиб, бизгача етиб келди. Бу
асарларда меҳнат аҳлиниң фоже ҳаёти, баҳтсиз қис-
матигина эмас, балки шу воқеликнинг ички зиддият-
лари ичида гафлат уйқусидан уйғонган, камол топган
илғор ғоялар, умумбашарий фикрлар ифодаланади;
адолат ва ҳақиқат тантанасига ишонган, саодатли за-
монларга интилган элимизнинг орзу-армонлари куй-
ланади. Шу боисдан бу асарлардаги оптимистик-ро-
мантик руҳ баъзан ҳаётий хаёллар парвозида, баъзан
ҳажвий образлар қиёфасида намоён бўлади; ҳақиқий
фольклор асарларининг бу хусусияти бора-бора реа-
листик мазмун касб этиб ижтимоий маъно теранли-
ги кўринади. Бундай асарларда кўпинча омманинг
қадимий қарашлари, тушунчалари, руҳи, эътиқоди,
олам сирларини билиш, ўрганиш тажрибалари, яшаш
учун кураш йўлларидан тортиб синфий онглилик дара-
жасига кўтарилиш тарихини кўриш мумкин. Уларнинг
яшовчанлик ва ўлмаслик сири, айни чоқда, ноҳаётий,
ваҳимали уйдирмалардан кескин фарқи ва ниҳоят ғоя-
вий-эстетик қиммати шунда.

Халқимиз беҳисоб қўшиқлар, достонлар, ҳикмат-

лар, эртаклар, соз ва мақомлар яратди. Халқ ижоди бамисоли оқар дарё — ҳамиша мавжланади, янгидан янги тұлқинлар пайдо қиласы. Ёхуд чашмадирки тинимсиз қайнайды. У — серташвиш ҳаётнинг үзи каби мураккаб ва бепардоз, олмосдек күп қирралы, одамларнинг гоҳида мунгли, аламли фарёди, ҳақ сўзи ва мардана овози бўлиб янграйди, гоҳида муҳаббат ўтида ёнган юракларнинг кечинмаси бўлиб акс-садо беради.

«Ёзи билан Зебо» достони ӯзбек халқ оғзаки ижодининг дурдона асарларидан ҳисобланади. Бу достон кўп вариантлилиги ва кенг тарқалганлиги билан алоҳида қимматга эга. Фақат Қашқадарё ва Сурхандарё воҳаси қишлоқларидағина эмас, балки Фаргона водийсида, Қирғизистон Ўш обlastининг Ўзган, Аравон, Олабуқа районларида, Қозогистоннинг Туркистон атроф қишлоқларида, жанубий Тожикистанда ҳам бу достонни ёд айтадиган кишилар кўп. Достон гарчи айрим халқ шоирларининг репертуарида борлиги қайд этилган бўлса-да, бироқ улар ёзib олинмаган. 1975 йили ёзида Наманган обlastининг Янгиқўргон районидаги «Лениннизм» колхози қишлоғида яшовчи Раззоқ бахши Қозоқбоев ижросида ёзib олганимиз «Нени айтай?» термасидаги қуйидаги банд қимматлидир.

Қовун экдим Тошбулоқнинг тошига,
Сайр қилдим сарчашманинг бошига,
Зебожон ўсма қўядир қошига,
Кел, Зебожон, Ёзи томошасига,
Зебоман Кал Ёзидан айтайми?

Аниқлашимизча, Янгиқўргон районида яшовчи ўн тўрт киши бу достонни нисбатан яхши ижро этар экан. Шу жумладан Раззоқ отанинг Омонбой, Мамасодиқ ўғиллари ҳам билишади. Ёзib олинган вариант ва парчалар «Зевак», «Зеби», «Зебижон», «Ёзи кал», «Кал Ёзи» ва бошқа номлар билан юритилиб келинган. Бу асарни куйловчиларни эса «Ёзигўй» деб аталади. 1975

йили Янгиқўргон районидаги «Қизил Ёзи» деган қишлоқ номи билан боғлиқ бўлган ривоятни ёзib олдик. 1973 йили фольклорчи Комилжон Имомов бу асарнинг насрый вариантларини Китоб районидан ёзib олди. («Ёзи қудуқ», «Ёзи булоқ» афсоналари, «Ёзи билан Зебо» эртаги ва бошқалар). Янгиқўргон район Бекобод қишлоғида яшовчи Ҳожиакбар Кўчимов, Китоб район Ўрис қишлоқ «Шарқ Юлдузи» колхозида яшовчи Мардибува Одошевдан магнитофон лентасига бу асар вариантлари ёзib олинган. Пешқўргон қишлоғида яшаган ёзигўй Умарали Қозоқов (1890—1950)ни Умарали Ёзи деб аташган. Бу достонни куйловчиларнинг деярли барчаси достончи бахшилар бўлмай оддий меҳнат кишиларидир. Бунинг сабаби достоннинг ижро этилиши бевосита меҳнат жараёни билан боғлиқлигидир. Масалан, 1956 йили Қарши Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультети студентлари Китоб районидаги Калинин номли колхозда пахта йифимтеримида қатнашганида тушки овқат вақтида ва кечки дам олиш палласида Мамашариф ота Эшмуровдов студентларга бир неча марта «Ёзи билан Зебо» достонидан парчалар айтиб берган экан. Галла ўримида ҳашарчиларнинг оғир меҳнатини енгиллатиш мақсадида баланд овоз билан айтилган бу асарни ҳар ким ўз билганича куилаган. Деворзон Олимбой Соипбоев ишдан чарчаган палласида дўст-биродарларига, қуни-қўшниларига бу достонни айтиб берган. Нисбатан мукаммал деб ҳисоблаганимиз Ўроқ Расулов, Риза Тўлаев, Мамашариф Эшмуровдов, Ҳожиакбар Кўчимов ва Рафиқ Мўмин тўплаган «Ёзи билан Зебо» достони вариантларидаги воқеалар кўп жиҳатдан бир-биридан фарқ қилмаса-да, айрим эпизодларда янгилик бор. Масалан, Ёзини дорга осиш вақтида булбулнинг Зебога хабарчилик қилгани бошқа вариантларда учрамайди. Афсуски, вариантлардаги хилма-хилликни тўлалигича кўрсатиш имконига эга эмасмиз.

Мазкур асар юқорида тилга олинган варианлар асосида бир достон ҳолига келтирилди. Барча вариант ва парчаларни сўзма-сўз чоғишириб кўрдик. Достон назм билан насрнинг аралашиб келиши йўлида яратилган бўлса-да, лапар шаклидаги айтишув — шеърий савол-жавоб бошдан-охиригача давом этади. Бу асарнинг яна бир ўзига хос хусусияти унинг кўпгина парчалари халқ қўшиқларига айланиб кетганлигидир. Достоннинг йигма вариантини ишлаб чиқишида, республикамизнинг Фарғона водийси билан жанубий районлардан ёзиб олинган варианларни ягона шаклга келтиришда талай қийинчиликларга дуч келинди. Фарғона водийсидан ёзиб олинган достон варианларида халқ ҳаётининг дехқончилик, боғдорчилик билан боғлиқ томонлари акс этган бўлса, жанубий районлардаги варианларда эса чорвадорларнинг тирикчилиги, яшаш тарзи, муҳити билан алоқадор тасвиirlар кўп учрайди. Бундан ташқари, Фарғона водийсида Зебонинг отасини Мулла Ортиқбой, Ёзининг отасини эса Ҳакимбек деб номланади. Ҳамда бош қаҳрамон саргузаштлари Шоҳимардон пир билан боғланади ва асарга атайин диний тус берилгани сезилади. Бундай гоявий йўналиш жанубий областларимизда яшовчи кишилардан ёзиб олинган варианларда деярли учрамайди. Бинобарин, достон варианлари халқчил мотивларни очишга яхши ёрдам берди. Воқеалар ривожини, қаҳрамонлар характеристери мантиқини белгилаш, асар композициясини аниқлашига имкон туғдирди. Асадаги кўпгина бандлар жуда кўп ижро этилганлигидан қўйма ҳолга келиб сайқал топган. Шунинг учун 1922—25 йиллари журналист Рафиқ Мўмин томонидан тўпланган варианларга парчаларни ярим аср ўтгач ёзиб олинган варианларга солиштирсан, жуда кўп бандлар ўзгармай куйланиб келганлигини аниқладик.

Масалан, Ёзи ўз ночор аҳволидан шикоят қилиб, севгилисисининг бундан бехабар эканлигидан нолийди:

Оҳудек кўзга сузилмак ярашур,
Пистадек сғизга кулмак ярашур.
Оҳу кўзли Поёндабойнинг қизи,
Сизга кулмак, бизга ўлмак ярашур.

Зебо:

Оҳудек кўзга сузилмак қайда бор,
Пистадек оғизга кулмак қайда бор.
Ўламан деб койинманг, Ёзижон,
Беажал чивинга ўлмак қайда бор!

Ёрини узоқ сафарга кетишидан хабардор бўлган
Зебо шундай қўшиқ айтади:

Оқ узум, қизил узум, гужум-гужум,
Четга кетиб боради бу ёлгизим.
Ўтирган катта-кичик дуо қилинг
Ой бориб, омонда келсин ёлғизим.

Бунга жавобан Ёзи дейди:

Баланд-баланд тепаларда ғоз ўтирас,
Йўқчилик бошингга кулфат келтирас.
Йўқ бўлиб оға-инига термулгунча,
Тоғдаги арслон бўлай то ўлгунча.

Диалогларнинг мусиқийлиги, шеърий нутқнинг равонлиги, жозибадорлиги, қофияларнинг оригиналлиги, хилма-хил товланиши ҳаҳрамон кайфиятини, унинг инициқ ва ғоят нозик кечинмаларини таъсирчан ифода-лашга хизмат этади:

Ёр дегандан юрагим ёрилмади,
Ёр ҳолидан бир хабар олинмади,
Оёғимга уриб эди бир тикон,
Бахтим қоралигидан олинмади...
Бўзалар ичсанг бўзадоринг бўлай,
Отланиб чиқсанг жиловдоринг бўлай.
Жиловдорлик хаёл-ҳуёл иш бўлар;
Мен сенинг жондан вафодоринг буйай...
Дарадан келган шамолнинг гарди бор,
Сояда ётган йигитнинг дарди бор.
Қорайиб келган булат кор келтирас,

Келмайин кетган йигит ор келтирадар...
Қаршининг оқар суви шаробча бор,
Қиз-үглон баданлари оловча бор.
Ой юзингдан олганим битта бұса
Құй гүшти, қуіруқ ёғи паловча бор...
Қош қораликдан қарогим қолмади,
Интизорликдан мадорим қолмади...
Ёнага ётиб әдим ёним билан,
Кийимим қотди менинг қоним билан...
Толга чиқдим толча бүйим толади...

Достонда кенг яйловларда яшаган ошиқ йигитнинг
бегубор табиати, шүхликлари, соғдиллиги, соҳибжа-
мол дилбарнинг самимилиги, ибо ва ҳаё, ёқимли ҳа-
зил ва ноз-карашмалари, меҳр-вафоси билан бир бутун
жолда жашқин сатрларда жонли ва табиий тасвирла-
нади. Асерда рамз, тимсол, ўхшатишлар, мажоз, жон-
лантириш, муболаға, қаҳрамоннинг тағофил ҳолатини
тасвирлаган бадиий воситалар халқ шеъриятининг бой-
лигидан пишонадир. Зебонинг ушбу сүзларida дили
муҳаббат завқи билан тұла кишиларнинг доимо нау-
қиронлиги ифодаланған:

Сен ўзинг тұқылмаган тут баргисан,
Мен ўзим очилмаган гулзорман.

Севгини қалб түрида сақлаган Зебо вафодорликни
муқаддас деб билади:

Шу кеча ёрим келади бедимоқ,
Устихоним ёғидан ёңай чироқ.

Йигит Зебо билан фахрланиб, уни суюна-суюна мақ-
таган сағрлар сержилодир:

Алача күйлак кийиб хұб ёнасан,
Булут бўлиб сен офтобни оласан...
Ой билан офтоб талашган ой Зебом,
Оқ юзига хол ярашган ой Зебом.

Шунингдек, достонда Ёзи тилидан берилған ҳиж-
рын дақиқалари акс этган сатрлар жуда пухта:

Сен ўлсанг оқ уйингга бориб кўрсам,
Гўёки қизил гулга шабнам тушар.

Қизил гулга шабнам тушишини кўз ёшларнинг ёр юзи узра оқаётир деб тасаввур этиш мумкин. Бошқа бир ўринда йигит ўз аҳволидан зорланиб, «Кўзим сою кипригим сув ичади», деса яна бир гал «кўз ёшимга қўш тегирмон юради», дея айрилиқ кечинмаларини муболагали акс эттиради. Достонда халқ қўшиқларида кўп учрайдиган параллелизмларнинг энг нодир намуналарини кўриш мумкин:

Оқ гул эдим, қизил гулга чотдилар,
Озод эдим, банди қилиб сотдилар.

Шундай қилиб, адабиётимизда қадимдан етакчи бўлиб келган муҳаббат мавзуи бу достоннинг ҳам бош мавзусидир. Унда севги чуқур ижтимоий мазмун билан йўғрилгандир. Севги — инсонийлик, мардлик, оруномус ва виждонийлик тимсолидир. Етимликда ўсган Ёзи ва бадавлат хонадон қизи Зеби ана шундай нодир фазилатлар соҳибидирлар.

Хуллас, бу севимли халқ қаҳрамонларининг маънавий қиёфасида, амалий ишида, муносабатида, покиза хулқида меҳнаткаш омманинг энг яхши фазилатларини кўриш мумкин. Айни чоқда улар ақл-фаросатда юксаклиги, иродаси ва ишончининг мустаҳкамлиги, аҳд-паймонининг бирлиги ҳамда халқона гуманистик қарашлари билан феодал жамиятининг патриархал урф-одатларига, қонун-қоидаларига, ахлоқ нормаларига тамомила зид келади ва уларни кескин рад этади. Шу фазилати билан достон маълум маънода исёнкорлик руҳи билан сугорилгандир. У китобхонларни фоявий-эстетик, одамийлик, ахлоқий поклик руҳида тарбиялаш ишига хизмат қилиши шубҳасиз.

ОХУНЖОН СОБИРОВ
Филология фанлари кандидати



Омон-омонда, бурунги замонда, Этака томонда, Майманоқ¹ деган вилоятда Поёндабой деган бой бўлар эди. Бойнинг Зебо исмли сулув қизи бор эди. Қўйиқоф деган жойда Бекназар деган камбағалнинг ўғли — Ёзи исмли бир йигит бор эди; ота-онаси ўлиб, сағир бўлиб қолган эди. Лекин Ёзи назаркарда йигит экан. У бир куни Зебонинг овозасини эшитиб, уйининг ташқарисига киради, Зебони қўриш ниятида ҳовузнинг бўйига келиб бир тутам гулни супасига қўяди, ўзи толнинг тепасига чиқиб олади. Поёндабойнинг қизи Зебо бир кўза олиб ҳовуз лабига келади; сув оламан деб қарасаки, супада бир тутам гулни қўради, уни қўлига олиб, кимники экан бу гул, эгаси йўқ экан-да, деб ўйлаб турса ҳовузнинг ичидаги чиройли йигитнинг акси қўринади. Қиз айтади: худоё тавба, бу қандай бўлди? — деб толнинг тепасига қараса, Ёзини қўради. Қиз айтади:

— Сен нега буйтиб юрганакансан, ҳовузнинг бетига

¹ Майманоқ — Қашқадарё области ҳозирги Ульянов райони (Бешкент) териториясида жойлашган (илгари бу ер карвон йўли бўлган) Айтишларига қараганда, Майманоқ бир вақтлар 1500 уйли катта қишлоқ бўлган, ҳозир 400 хўжалик бор. Майманоқ номли жойлар бошقا ўлкаларда ҳам бор. Маймана — Афғонистоннинг шимолидаги йирик шаҳарлардан бири, аҳолиси асосан ўзбеклар ва туркмандардан иборат.

Бир тутам гулни қўйгансан? Нега тол тепасига чиқиб турибсан? Мен ҳовузнинг ичиде аксингни кўрдим, бир тутам қўйган гулингни қўллимга олиб турдим, кўнглимда яқдила қилдим; энди сен ҳам кўнглингни бўлма: мен сеники, сен меники, икковимиз ошиқ бўлдик. Энди сен мени ишқимда юрган ·экансан, билдим. Менинг отамнинг дастёри йўқ, ёлғиз қўлли. Отамга новча бўлиб хизматини қиласверсанг ажаб эмаски, отамнинг кўнгли сен қилган хизматингдан тўлаверса, охир мени сенга беради; бориб-бориб икковимиз топишамиз.

Икковини гаплашганини ҳеч ким сезмади. Қиз ҳовудан сув олди, уйга кириб кета туриб, яна йигитга айтди:

— Сен толнинг устидан тушгин, дарвоздан «бойбува, бойбува» деб чақиргин. Отам «ҳа» деб чиқади, отамга сен шу сўзларни айтгин: «Бой бува, мен бир камбағалман, ота-онам йўқ, етимча боламан, олти ойгина сизнинг хизматингизни қиласай». Ундан кейин отам, ҳа бўлмаса, кел ўғлим, ичкарига кир, таом қил, дейди. Отамни кўнглини олсанг, отам мени сенга беради.

Қиз уйига кириб кетди. Ёзи толдан тушди. Зебоий айтганича бойга сўзлади, бой кўнди, ҳа, майли, бир йилча хизматимни қил, деди.

Зебонинг онаси қизини етти нарда билан туғди. Ёзи ҳам ниҳоятда хушрўй йигит эди. Ёзининг онаси икки тилладан кокили билан туқсан экан. Буни ҳеч ким билмасин деб, бир қўзининг қорнини Ёзикинг бошига ёпиб қўйиб, мен кал туғдим, деган экан. У катта бўлганида ҳам бу сирни ҳеч ким билмасин, мени назарига илмасин, чутқори кал десин деб бошига жумур — эчкининг қорнидан ясалган тери киярди, пешонасига тупроқ суртиб қўярди. Бой уйида, кўча-кўйда кал сифат бўлиб юрар ва «Кал Ёзи» номини олган эди. Бу сирни ҳеч ким билмас эди. Ёзи Поёндабойнинг буғдой-корлигига бошоқ тергани Зебо билан бирга чиқар эди.

Бошоқдан ажойиб «гулдасталар» ясаб Зебога берар эди. Бир кун Зебо отасининг самандар йўргасини миниб, чақмоқ телпакни кийиб олипти. Ўроқчиларга нон олиб келаётганда бошоқчиларни кўриб, ҳой ўроқчилар, бошоқчиларга нега индамадинглар, деб аччиғи келиб болаларни отда тирқиратиб ўқдан-бу ёққа қувивиб юрипти. Бошоқчилар қочипти. Ёзи ҳам қочиб, печакка қоқилиб чалқанчасига йиқилиб тушди. Ешидаги жумури йиқилганда бир ёққа сурилиб кетиб, тилла кокили ялт этиб кўриниб қолди. Буни биргина Зебо кўриб қолди-ю, ҳушидан озиб, отдан йиқилиб тушди. Шамол келиб Зебонинг юзидан етти пардани кўтарди; Ёзи қараса Зебо чироқ бўлиб ёниб ётибди. Зебо Ёзининг икки ҳайдар кокилини, асл хушрўй юзини яхши билиб олганидан, Ёзининг бу хилда юришидан Зебо жуда хурсанд эди, чунки у ўз ёрини кўп одам ичидагарров таниб олар эди.

Ёзи билан Зебо бирга-бирга ўйнаб балогатга етдилар. Бойнинг хаёли бузилиб, етти ёт есирин уйга киргизиб олдим, деган фикр юрагига кириб қолди. Шукуни ҳаво ёғиб, ерлар лой бўлиб турганда бой молларини чиқармай, ўша жойда соғинглар, деди. Зебо ва Ёзи молхонага киришиди. Бой бир тешикдан назар солиб турди. Иккаласи бир-бирини севиб қолган эди, бирбирини ўпишиб қолди. Бой кўриб қўрқиб кетди.

Ёзи Зебога муҳаббат изхор қилиб, шундай деди:

Аввалдан айтай сўзимнинг бошини,
Тўхтатолмайман қўзимнинг ёшини.
Ун тўрт яшар ой Зебони кўрмасам,
Кўксима урсам тегирмон тошини.
Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай,
Бир қиё боққин қўзингдан, ой Зебом,
Югуриб чиқдим катта ариқ бантига,
Кўзим тушди ой Зебом базвантига.
Бориб айтинг Бойсуннинг заргарига,
Тилладан тугма ясар ҳар бандига.
Шофтолинг пишиди, тўкилди остига,

Бир газал айтай Зебомнинг қасдига:
Қайрагоч қаттиқ ёғоч, қозик бўлур,
Қиз боланинг бадани нозик бўлур.
Ой юзингдан ийилиб берсанг бўса,
Мен етимга олти ой озиқ бўлур.

Зебо Ёзига қараб, шундай жавоб беради:

Ёзи ёра, Ёэр ёр, Ёзим мани,
Меҳнати кўп, роҳати озим мани.
Қўшқўтон жилгасига далвай қўйиб,
Минг чақирсам етмас овозим мани.
Эрта бозор ҳамма бозордан келар,
Арпа-бүгдой Каспи-Кавлондан¹ келар,
Баъзилар ўроқ ўрар, терар машоқ,
Ёзи назар ўшандай чўлдан келар.
Қоп-қорайиб кўринади қошингиз,
Умрбод иззатда бўлсин бошингиз.
Сатқаи отинг кетай, эй Ёзижон,
Чўлларда Хизир бўлсин йўлдошингиз.

Ёзи кўп йиллардан бери Поёндабойнинг әшигида
бекақ ишлаб юрар эди. Бир куни у бой ҳақ тўламагани
учун кетмоқчи бўлди. Поёндабой қўш ҳайдатгани кет-
ган эди. Ёзи ўша ерга бориб ҳақ талаб қилди. Бой уига
деди: агар етим бўлиб, оз ҳақ олиб юрадиган бўлсанг,
майли ўз әшигимда юравер. Ёзи бунга рози бўлмади.
Бой, қўш ҳайдашни биласанми? Агар қўш ҳайдашни
билсанг, мен кўрай, деди. Ёзи, қўш ҳайдашни яхши би-
ламан, деб бойнинг қўшини қўлидан олди ва ҳайдади.
Бой унинг яхшигина қўш ҳайдашини кўриб, тузук ҳайдар
экансан, майли ишлайвер, деди. Ёзи айтди: мен
қўш ҳайдаб турай, сиз уйга бориб бир-иккита нон, кур-
мачада қатиқ олиб келинг, ҳозир қорним оч, қорнимни
тўқласам, бундан ҳам яхши ҳайдайман.

Поёндабой нон ва қатиқ олиб келиш учун уйига кет-
ди. Ёзи Зебони бир кўриш мақсадида бой кетгандан
кейин омочнинг ўқларини чиқариб бузиб қўйди. Поён-

¹ Каспи-Кавлон — Қарши чўлларидаги жой номи.

дабой келиб қараса, омоч бузилган, сабабини Ёзидан сўради. Ёзи, ҳўкизларингиз ёмон экан, олиб қочди, омочни бузиб ташлади, деди. Поёндабой Ёзига, аввал нон билан қатиқни егин, кейин бориб уйдан тешани олиб келсанг, созлаб бераман. Лекин, тешани оқ ўтовдан эмас, қора ўтовдан олиб келгин, оқ ўтовда қопонгич итлар бор, талайди, деб тайинлади.

Бойнинг оқ ўтовида Зебо, қора ўтовда бойнинг икки хотини яшар эди. Зебонинг бўйи етиб қолганидан, бой уни алоҳида ўтовда яшашга буюрган ва хизматкори Ёзи билан кўриштирмай қўйган эди. Бироқ, бой Ёзи билан Зебонинг бунчалик севишганидан бехабардай бўлиб юрар эди. Бу сирдан воқиф бўлган қизнинг онаси қизининг раъйини қайтармай, бир сўз демас эди.

Ёзи бой айтган тешани олиб келиш учун, нон ва қатиқни емай тездан овулга, тўғри оқ ўтовга борди. Бу ўтовда Зебо яшашини яхши билар эди. Ёзи Зебога қараб қичқириб бир сўз деб турибди:

Қараб турсам қора зулфинг тирқирап,
Хуморингда мен юраман сирқираҳ;
Отгинангдан айланай ойдай Зебо,
Оқ рўмолинг бошибиг узра ҳилпирап.
Бу бўйингда гарди мунчоқ иси бор,
Синбатингда париларнинг туси бор.
Қўйл тўлғадим жасадингга бир қараб,
Бунда чиққин Ёзижоннинг иши бор.

Зебо Ёзининг овозини эшитиб, ўтовнинг олдига чиқди ва қилиқсиб Ёзига салом берди, сўрашди. Зебо етти пардасини юзидан олиб қараса, Ёзи булбулдай сайраб турипти. Гапирай деса, тили оғзига сиғмайди; мунчоқ-мунчоқ терлаб, тери юзига ярашиб, қизил гулга шабнам тушгандай бўлиб турипти.

Ёзи:

Қора зулфинг оқ юзингга ҳам тушар,
Сени кўрсам, юракка юз гам тушар;
Сенки бир чиқсанг уйингдан ясаниб,
Гўёки қизил гулга шабнам тушар.

Қора зулфинг оқ юзингга беназир,
Икки юзинг гули ратьнодаи қизил;
Қараб турсам бори ҳуснинг жобажо,
Тишгинанг султондир, лабгинанг вазир.
Эшик олди катта айвон, дилбарим,
Қўчангиздан ўтди карвон, дилбарим;
Халқи олам хушламас ҳусни йўқ деб,
Сиз кўзимга моҳи тобон, дилбарим.
Андижондан оқсан дарё бошидир,
Сирдарёси ошиқнинг куз ёшидир.
Бизнинг жойлар, тамакининг конидир,
Зебога Ёзи кўзи хумордир.

Ёзи Зебога нима иш билан келганини айтиб турипти:

Қизгина, юринг борайлик решага¹
Рўмолингни тўлдирай гунафшага,
Мен ўзим даштда юрган қўшли эдим,
Отангиз буюрди, келдим тешага.
Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай,
Бир қиё боқсан кўзингдан, ой Зебо.

Ёзи қизнинг ойдай юзини кўриб, беҳуш бўлиб йиқилди. Зебо йигитнинг ёнига келиб, бошини тиззасига олиб йиглаб уйғотди ва шундай деди:

Эй ёра, икков борайлик решага,
Рўмолимни тўлдиргин гунафшага,
Қўлингдан келмас экан ёр асрамоқ.
Мени қўйма гам билан андишага.
Ёзиё, даврингда гуллар очилар,
Сен сўйласанг, баҳри дилим очилар;
Сўйласанг, сўйламасанг омонда бўл,
Қизил гул пинникда² бўлса очилар,
Кизил гул унда битар, боғда битар,
Дард менинг сийнамдадир, табиб нетар?
Самарқанд табиблари келар-кетар,
Ёзижон табиб бўлса, дардим кетар.
Ошиқлик лаззатини чеккан ёрим,
Пичоги устихонга етган ёрим,
Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай.
Кўтар бошинг, тур бўйингдан, Ёзижон.

¹ Реша — ариқ лаби.

² Пинник — хумча, гуича.

Зебо, эй худо, деди, менинг отам ўзини бойман деб
Ёзига бермай юрипти. Молларини олиб бир камбағал
қылгилки, мени Ёзига берсин.

Бизнинг жойлар Маккада бўлгаймикан,
Мол кетиб отам гадо бўлгаймикан.
Мол кетиб отам гадо бўлганида,
Ёзижон бизга ўтов бўлгаймикан?!

Қизнинг гапи Ёзининг қулогига кириб, кўзини очди
ва деди:

Ёзи деган товушингдан айланай,
Үкча¹ баланд ковушингдан айланай,
Ота-онанг бермайди қаллоч деб
Менга қилган равишингдан ўргилай.
Ҳақ айланай ўроқ ўрдим ангари,
Зебо ойга ковуш олдим зангари.
Эшигингдан мен ўтаман маст бўлиб;
Этагингга илашаман хас бўлиб.
Тун кечада ёнингдаман дўст бўлиб:
Ўкча баланд ковушнинг пошнасиман,
Үйда юрган бўй қизнинг ошнасиман.

Зебо:

Қизил гул қайдা битар, боф бўлмаса;
Бўз кийик қайдা юрар, тоғ бўлмаса;
Эр йигит суйганини қайдан олар,
Олдида ҳайдарга моли бўлмаса.
Қибладан турган шамол қор келтирас,
Бадахшон кетган йигит мол келтирас,
Бадахшон кетган йигит, молинг қани,
Соқолинг оқарипти, ёринг қани?

Ёзи:

Баҳор бўлмай ҳар гиёҳлар гул бўлур,
Гулга қўнгани жонивор булбул бўлур;
Қудратингдан ўргилай жаббор эгам,
Қиз учун мирза йигитлар қул бўлур.

¹ Укча — пошнаси.



Қошинг қора қозонпинг күясидек,
Бўйнинг узун Бешариқ миясидек¹,
Кирсанг чиққинг келмайди қиз қўйнидан,
Қизнинг қўйни қалдирғоч уясидек,
Қошингни қора дерлар, нилданмиди?
Белинг ингичка дерлар, қилданмиди?
Чўл ерда кийик сути эмган Зебом,
Тилингни буролиги шунданмиди?!
Мол деган қўлнинг кири, ювса кетар;
Моли йўқ деб мени қувмасанг нетар!
Зебохон, ойдай қарайман йўлингга,
Тилла узук олиб қўйдим қўлингга,
Эй худоё, менга давлат рози қил:
Қўй берсанг, беш юзини қўзи қил,
Йилқи берсанг, олти юздан ошароқ,
Ергинамни Пойнадабой қизи қил.
Қаршида қор ёғади, бунда қиров,
Ақлим билан ҳушимни олди биров,
Ақлим билан ҳушимни олса биров,
Етса молим, етмаса жоним гаров.

Зебо Ёзининг кўнглини кўтариб, унга ҳазиллашиб,
шундай деди:

Бизнинг ёр ҳовли солипти,
Девори паст-пастгина,
Ичкарига гул экипти,
Бир гулки даст-дастгина,
Гулидан узай десам, тикони бор,
Сувидан ичай десам, илони бор,

Ёзи:

Мен қарадим қироқдан,
Сувлар ичдим булоқдан,
Ошиқ бўлсанг Зебо ой,
Ошиқлигинг билайн
Рўмолинг тўлга йироқдан.
Қулоқ солиб эшитмадим товушингни,
Шиқирлаган оёғингда ковушингни;
~~Булдош болдим буинингта,~~
~~Агар менга тегмасанг,~~

¹ Мия — ўсимлик.

Илон кирсин қўйнингга.
Ой Зебо деб қичқириб,
Мажнун бўлдим йўлингга,
Агар менга тегмасанг,
Тил билмаган фалча келсин тўйингга.
Иилқимни ҳайдаб солдим чирмовуққа;
Буроқлар¹ ўч экан чирмовуққа,
Отанг қурғур бермайдикан биздай бекка
Шу қайтиши олармиз дайди улоққа.
Ез бўлганда бир белгиси турна келар,
Турна билан жами қуш бирга келар.
Сулувман деб мақтамангиз, бойнинг қизи,
Сулув қизнинг соchlари бурма келар.
Чўпон қўйин баҳор чиқса соғади,
Менинг кўнглим сенга томон оғади.
Зебожон, ўнг бетингдан берсанг бўса,
Тузалмаган тиш оғриғимга даводир.
Баланд-баланд тогларнинг боши ҳуччи,
Сенинг ўзинг мендан бир ёш кичи(к),
Ой Зебо, ўнг бетингдан бергин муччи,
Сенинг муччиниг, мен биламан болдан чучи²,

Зебо:

Арпа экдим, мошча чиқди тўмори³.
Ёр қўйнида қолди бўйним тумори.
Бораӣ дедим ҳеч баҳона топмадим,
Хуб баҳона бўлди бўйним тумори.
Чумчуқлар сайраб қўнар тол бошига.
Ёзижон қалпоқ тилар кал бошига.
Қалпогини мендан тилаб ололмаса,
Отини сугорсин кўзин ёшига.
Тахтакўприк устидан карвон ўтар,
Бир қўлида булбули сайраб ўтар.
Бизни кўрса Ёзижон ўйнаб кетар,
Ишқ ўтида чойдишдек қайнаб ўтар.

Ёзи:

Элас-элас кўринади ғончилар,
Ака деган тилингдан бол томчилар.

¹ Буроқ — учар от маъносида.

² Чучи — чучук, totli.

³ Тўмор — илдиз, тўнка маъноси ҳам бор.

Тахтакўприк устида тахтим менинг,
Очилмади сиё²(х) бахт, бахтим менинг.
Воққа кириб, боғ қалитин топмадим,
Зебожон шафтолингиз хом бўлмасин,
Бизга айтган ваъда ёлрон бўлмасин.
Қирқ қизнинг ичида ўзинг анор,
Икки бетинг ловуллаб қонинг томар.
Ловуллаган бетингдан бир ўптирсанг,
Макка суви ичгандек меҳрим қонар.
Отгинангдан айланай, ойдай Зебо,
Қуралай наргис қўзингдан ёр сени.

Ёзи, отанг мени тешага юборган эди, деб ўйлаб тешани олиб кетмоқчи бўлди. Қиз Ёзининг орқасидан қичқириб шундай деди:

Ғам билан, фурбат билан абгорман.
Ёзидан икки бўса қарздорман.
Ёзижон, келгин бугун қарзингни ол,
Мен кишининг ҳақидан безорман.

Ёзи:

Лоилоҳо қудратингдан долдир,
Үнг бетингда неча холинг бордир?
Отгинангдан ўргулай, гулдай Зебо,
Мендан ўзга неча ёринг бордир?

Зебо:

Ой юзимга қора зулфим долдир,
Үнг бетимда жўра холим бордир.
Отгинангдан ўргилай, гулдай тўрам,
Сендан ўзга бир худойим бордир.

Ёзи:

Зебохоним, Зебохоним долдир-а,
Үнг бетида жўра холи бордир-а;
Олти қизнинг ичинда отинг Анор,
Анордайин юзингдан қонинг томар;

² Сиё(х) — қора.

Анордайин юзингдан бир ўптиранг,
Анбр сувин ичгандай меҳрим қонар.
Олти қизнинг ичинда отинг Қурбон,
Қурбон десам юрагим ларзон урган,
Баракалла Қурбоннинг ҳимматига,
Ваъда берган жойига бориб турган.
Олти қизнинг ичинда отинг Турсун,
Чин аёққа¹ сув қўйсам тиниб турсин,
Чинакамлаб чақирсанг мен борайин,
Ҳазилакам чақирсанг жаббор урсин,
Олти қизнинг ичинда отинг Туйма,
Туймажон, туя пойлаб тунда юрма.
Туймажон туя пойлаб тунда юрсанг,
Оқ этингга кўз тегар, гулгун кийма.
Олти қизнинг ичинда отинг Бозор,
Тол-толгина сочингни тароқ ёзар,
Яхши билан сўзлашсанг, кунда бозор,
Ёмон билан сўзлашсанг, қунглинг озар

Ези ичидан суюниб кетди, дарров изига қайтиб Зебонинг олдига келди, Зебонинг бошидан рўмолини олиб, тўрт буклаб қизнинг бетига ёпиб, рўмолнинг устидан икки бармоғини қўйди. Қизнинг бетидан упмасдан ўз қўлининг бошмалдоғини ўпди. Рўмолини кутариб қараса, қизнинг бетида қора дод пайдо бўлиб қолипти. Ёзи бу додни кўриб қолиб, қизга қараб бир сўз дейди:

У кўринган Хўжаанвар тоғидир,
Туг кўтарган бек оғам чорвоғидир.
Отгинангдан айланай, ойдай Зебом,
Бетингдаги бешта холинг беш кишининг доғидир.

Зебо:

У кўринган Хўжаанвар тоғидир,
Туг кўтарган беш оғам чорвоғидир.
Бул гапингни билиб сўйла, Ёки тўрам,
Бетимдаги бешта холим пашахўрда доғидир²

¹ А ё қ — чинни коса, қадаҳ.

² Пашаҳ ўрда — пашша чаққандан сунг қолган иа-дод, демоқчи.

Зебо яна ҳазил қилиб дейди:

Чарх уриб ётган Ғилонинг тоги эмас,
Оқ юзимга пашаҳўрда дод эмас.
Ези тўрамнинг марварид тишининг додидир.

Ёзи:

Бора-бора бол қўйган, ой Зебом,
Чапараста хол қўйган, ой Зебом,
Ишқида Ёзи ёрини куйдирив,
Юрагимга дод қўйган, ой Зебом,
Тишларинг дурдона янглиг оқдир,
Кўзларинг кўксимга ўтлар ёқадир;
Қўй ичиди қўчқор жуни оқдир,
Лабгинанг шафтоли ширин қоқидир.
Ой Зебомда икки бўсам бор эди,
Бирин олдим, бири унга боқидир¹.
Айт деганда айтмаган номард экан,
Зебожоннинг икки бети қанд экан.
Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай,
Бир қиё боққин кўзингдан, ой Зебом.

Зебо:

Ёргинам қайга борарсиз той миниб,
Менингдай севар ёрингдан айрилиб.
Менингдай севар ёрингдан айрилсанг,
Отингизни оёғи синсин қайрилиб.

Ёзи Зебодан олган бўсани мақтаб шундай дейди:

Қаршининг оқар суви шаробча бор;
Қиз ўғлон баданлари оловча бор;
Ой юзингдан олганим битта бўса —
Қўй гўшти, куйруқ ёги паловча бор.

Алача кўйлак кийиб хўп ёнасан,
Булут бўлиб сен офтобни оласан.
Отгинангдан ўргилай, ойдай Зебом,
Ваъда бериб сен ваъдангдан тонасан.

¹ Б о қ и — қолдиқ, боқиманда.

Ёзи ўз ниятларини Зебога очиқ айтди:

Насиб бұлса икков бирга құшилсак,
Тол ипакдек икков бирга әшилсак.
Ҳаво ёғса бари ерлар ҳұл бұлур,
Бирга бұлсак, үгил-қизлар мұл бұлур.
Құшилолмай ох деб үтсак майдонда,
Үйлаб турсам, обод ерлар чұл бұлур.
Зебоё, турғин бүйінгни қурайин,
Сунбулу райхон сочингни үрайин.
Сунбулу райхон сочинг беш бурам,
Биригини олиб хон ىзига берайин.

Ёзи тешани олиб, Поёндабойнинг олдига борди. Бой, мунча ҳаяллаб кетдинг, деди. Ёзи дарров бориб келдимку, деди. Бой уни уришиб, дарров келишинг шунчаликми, ахир орадан уч кечаю уч кундуз үтди, деди. Ёзи бойга қараб:

— Итларингиз бүш экан мени роса талашди. Ҳұшимдаң кетиб қолибман, билмайман қанча вақт кетибди.

— Ит талаган бұлса, бирон жойингда нишонаси йүқ-ку, ёлғон айтасан,— деди бой.

— Мен ҳали ёшман, уйнаб қолғандирман, бу гал гуноҳимни үтинг,— деб ялинди Ёзи. Поёндабой құлига теша олиб, омочни созлади ва Ёзига құшни ҳайдағин, деб буюрди. Ёзи құш ҳайдашдан юраги тошиб, бойга қараб бир сұз деб турипти:

Дарёлар тошгач оқади лой-лой,
Шу қызынгни бер менга, Поёндабой.
Шу қызынгни бермасанг, Поёндабой,
Соқолингни кузатарман мисли той¹.
Дарёлар тошиб келар сув сойдадир,
Эндиги ёрда ҳақиқат қайдадир.
Эндиги ёрда ҳақиқат бұлмаса,
Икки ўпид, бир құчганим фойдадир.
Икки ўпдим, тағин ўпсам уч бұлар,
Жамолига қараб турсам кеч бұлар,

¹ Соқолни қирқиб ташлаш.

Мен унинг қомат-бўйи¹-ан ўргилай,
Бир қиё боққан кўзидан, ой Зебом.

Ёзининг бу гапидан Поёндабойниң жаҳли чиқиб, оғзингдан нима сўз чиқяпти, биласанми, аҳмоқ, деб урди. Ёзи унинг гапларини писанд қилмай, яна шундай деди:

Поёндабой, ўлтирайлик тизма-тиз,
Онасини сиз олинг, қизини биз.
Мабодо Абдуллахон ёрги¹ қилса,
Кўпини сиз кўтаринг, озини биз.

Поёндабой ўзича ўйлади: бу жувонмаргни урсам, сўксам бўлмаса, кўп касофатларни бошлайдиганга ўхшайди, яххиси, жавобини бериб ҳайдаб юборай. Поёндабой оқсоқолларни чақириб маслаҳат қилди: икки қоп буғдойни туяга юклаб Ёзига бердилар; тўйингизни лочирасига ун керак, шуни Балх шаҳрига олиб бориб тортиб келинг, дедилар. Балхга бориш беш юз йил, келиш беш юз йил, йўлда улиб кетар, деб ўйладилар. Ёзи икки туяни етаклаб қум чўлда кетаётган эди, бир кекса бобога дуч келди. Бебо, йўл бўлсин болам, деб сўради. Ёзи жавоб берди. Бобо бир назар солувди, тўп қайрағоч пайдо бўлди. Кўз ёшидан сув, тўппидан тегирмон қилиб, қўш тегирмон пайдо бўлди, етти капитар тегирмонининг дўлига келиб қўнди. Буғдойни тортиб туяга ортди, бойнинг уйига қайтиб келди. Бой ҳайрон бўлганча қолди.

Поёндабой Ёзидан қутулиш пайига тушди, унга жуда оғир ишларни бажартириб, хизматкорликдан бездирмоқчи бўлди. Бойга қарашли ердан анча нарида шерларнинг макони бор эди. Бой Ёзига етмиш қоплик² уч бўлак ерини етмиш марта кечасию кундузи ҳайдашни буюрди ва зора-мора шерлар кечаси чиқиб қолиб, этини бурда-бурда қилиб ташласа, деб ўйлади.

¹ Е р ғ и — пул солиғи.

² Саккиз пуд ғалла олинадиган ерни бир қоп дейилади.

Ёзи ҳўқизлар билан ер ҳайдай бошлади.

Бой уйга қайтиб кетгандан кейин, Ёзи Зебо ишқида қичқириб ашула айтаётган эди, икки шер бўкириб Ёзи томонга келаверди. Икки шер икки томондан йигитга ҳамла қилди, йикитолмади. Ёзи шерлар билан уруш қилди. Йигит мардлик билан олишди; шерларга бўш келмади; роса зўрлик кўрсатиб, шерларни енгди ва уриб олиб келиб, иккала шерни омочга қўшди; ҳўқизларни қўйиб юборди, бир кечада бойнинг етмиш қоп ерини етмиш марта ҳайдаб чиқди. Кечасидаги шовқин-сурондан қўрқиб, чет-четда йигилиб турган халоийқ әртасига Ёзининг бу ишини кўриб қойил қолди. Поёндабой Ёзи ўлдими, қолдими, ундан бир хабар олсаммикан, деб турганда Ёзи ҳўқизларини ҳайдаб, секин уйга кириб келди ва Зебонинг қошига борди.

Шу куни Зебонинг онаси қўшни қишлоққа меҳмонга кетганилиги сабабли, қиз ўзи ҳамир қилиб, тандирга ўт ёқаётган эди. Ёзи қизнинг олдига бориб, икковлари сўзлашиб, дилкашлиқ қилиб турган вақтда, Поёндабойнинг кўзи буларга тушиб қолди. Ёзи бойга кўринмаслик учун ёниб турган тандирнинг ичига кириб бекинади. Поёндабой келиб, қизим, нонинг пишдими деб сўраб, тандирга қараши билан, Ёзи тандирнинг ичидан чиқиб, тандирингизга ўн битта нон кетар экан, деди. Бой Ёзига, нега ер ҳайдамай бу ерда найрангбозлик қилиб юрибсан, деб унинг елкасидан ушлаб, бир-икки урди. Ёзи ёлғондан ҳўнграб йиглади. Зебо Ёзининг аҳволига ачиниб, хафа бўлиб, унинг кўнглини олиш учун, бир сўз деди:

Поёндабой бад¹ қилиғин бошлади,
Ёзини тандирга қамаб ушлади.
Ёзининг ҳандай гуноҳи бор экан,
Бегуноҳ калласига тўрт муштлади.
Ориқ отга сомон ортсанг букилар.
Йиртиқ қопга тариқ солсанг тўкилар,

¹ Вад — ёмон.

Иигламагин бўйингдан, Ёзи тўрам,
Бегуноҳ урса, гуноҳинг тўкилар.
Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай.
Ўқиммагин кўзгинангдан, Ёзижон.

Ёзи кўзини очиб қараса, қиз ҳам хафа бўлиб йир-
лаб турган экан. У қизнинг кўнглини кўтариш учун
ҳазил қилиб, шундай деди:

Поёндабой оқ ўтов тузатдилар,
Бошимизга юз таёқ узатдилар.
Эгри-буғри қовургамиз бор эди,
Қайта бошдан отангиз тузатдилар.
Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай,
Иигламагин кўзгинангдан, ой Зебом.

Поёндабойнинг икки хотини бор эди. Кичик хоти-
нининг оти Холбуви эди. Холбуви ҳам кўпдан бери Ёзи-
ни яхши кўриб қолган эди. У буни бойдан сир тутарди.
Бундан Зебонинг онаси ҳам хабарсиз эди. Бироқ, Ёзи
Холбувининг ялиниб-ёлворишлирига, севиб айтган сўз-
ларига асти қулоқ солмади. Унинг ҳар қандай талаби-
ни рад этди. Холбуви авваллари Ёзини ўзига қаратиш-
га кўп уриниб кўрди. Яхшиликча ҳам гапирди, уйдан
ҳайдатаман ҳам деб кўрди, бўлмади. Сунгра уни кал,
етим, деб камситди; бунга жавобан Ёзи кичик хотинга
шундай деди:

Бугдой солдим тегирмоннинг дўлига,
Икки кўзим ой Зебомнинг йўлида.
Ўз йўлингга кетавергин, Холбуви,
Сув қуёлмайсан Зебомнинг қўлига.

Бу гаплар Холбувига алам қилди. Ич-ичидан куйин-
ди, ўз этини ўзи еди. Аламига чидолмаган кичик хотин
Ёзи билан Зебони учрашиб сўзлашишини, бор-йўқ гап-
ларини роса кўпайтириб бойга чақди: бой билан тил
бириктириб Ёзини ўлдирмоқчи бўлди. Бир куни шу-
ниятда кичик хотин Ёзига сузган паловга заҳар солиб
берди; бундан гумонсираган Ёзи заҳар солиб сузилган
паловни тескари ўтириб олиб, еган киши бўлиб, ёқаси-

дан күйлак ичига ташлайверди. Корни түймагандай ошдан яна суради. Бу гал ошга ҳеч нима қүшилмаганини яхши билгач, түйиб еди. Бир оздан кейин қусган киши бўлиб кўйлагининг ичига тушган паловни «ўхчиб йуталиб кусди». Ёзи жўрттага узини касалликка солиб ётиб олди. Поёндабой ва кичик хотинининг ранги учиб, ҳовлиқиб, суюниб, Ёзини ўлдига чиқариб қўймоқчи бўлдилар ва шошиб-пишиб чуқур ковладилар. Бу орада бойнинг ити Ёзининг «қусугини» еб ўлади. Ҳсанкираб қолган бой ва унинг бузуқи кичик хотини ўлган итни Ёзи учун қазилган чуқурга кўмдилар. Ёзи ётган еридан туриб яна Зебо билан топишиб, хурсанд бўлиб ўйнаб юраверди. Шарманда бўлган Поёндабой Ёзини уйидан ҳайдаб юборди.

Ёзи Зебога кичик хотинининг фирибгарлигини билдириб қўйишим керак, деб ўйлади. Яна Зебони ишқи билан хурсандлигидан ҳазил қилиб, қизга қараб қўшиқ айтади:

Қизгина, қирмизгина, ҳайда қўйингни мен боқай.
Сувсиз ётган сардобангдан мен оқай:
Сувсиз ётган сардобангдан оқмасам,
Лабгинангдан зомбир бўлиб мен чақай.
Иилқ(и) ичинда минганд отим қоралади,
Қоралани бўриқул яралади;
Отгинангдан айланай ойдай Зебом,
Үртамизга гаразгўй оралади.
Маймонақ олди хавотир яхши қол,
Жондан ортиқ севган ёрим яхши қол.
Жаннати бўлсанг кўрамиз гар насиб,
Жондан қўшган тансиқ ёрим яхши қол.

Шундан кейин Ёзи хафа бўлиб аразлаб, Поёндабойникидан бошини олиб ҳайт деб чиқиб кетди. Бир баланд тепа устидаги катта тошга ўтириб, у ёқ-бу ёққа қаради. Торнинг бир кичик ковагига кириб, қирқ кечаю қирқ кундуз ётди. Қиз ҳам оқ ўтовнинг ичига кириб ўтирган вақтда онаси меҳмондорчиликдан қайтиб келди. Шу куни Поёндабойникуга катта бир бойнинг ўғлидан

совчилар келиб қолди. Зебо совчилар келганинини Ёзига маълум қилиш учун унга онасидан қатлама, ной бериб юбориш кераклигини хаёлидан үтказди ва тинмай йифлайверди. Онаси, эй қизим, нега йифлаб үтирибсан, деганда қиз онасиға қараб шундай жавоб берди:

Эй она, отинг нима Ойваллама (ми)?
Ерим қазган ариқчадан қатлама.
Ерим кетди анов тоғнинг бағрига,
Ёзикекка элтиб бергін қатлама.

Онаси Зебони овутиб, эй болам, бунинг учун хафа бўлма, сен ўчоққа олов қўй, хамир қил, беш-ўнта қатлама, бир неча патир қилиб элтиб бераман. Бир неча кун ейди, деди. Бой, кичик хотини, хизматчилар меҳмонлар билан овора бўлишди. Зебонинг онаси қатлама, қизи патирга уннаб кетиши. Онаси пишириб-тайёрлаб, дастурхонни бошига қўйиб, Ёзи турган жойга қараб жўнади. Ёзи ҳалиги тепанинг устида кўкрагини захга бериб ётган вақтда, Зебонинг онаси қидириб топиб боради. Қизнинг онаси Ёзининг олдига қатламаларни қўйиб, ол болам, ол, хафа бўлма деганда, Ёзи, мен қатлама емайман, деб аразлаб ётади. Онаси: мен шунча жойдан қатлама, патир қилиб келсам-у, сен емасанг! Қайната асли шунаقا булади, уради, сўкади, ҳар нарсага хафа бўлаверасанми, деб юпатгач, Ёзи овқатни ея бошлади. Қизнинг онаси ўз уйига қайтди. Шу куни Ёзи тепада ётганда туш кўрди: тушида бир киши келиб, тур ўрнингдан, ёрингга тўй келди, бехабар қолдинг дейди. Ёзи уйғониб кетди, Поёндабойнинг овулида нима сир борлигини билиш учун йўлга тушди. Ёзи йўлда севгилисини эслаб, бора-borgунча қўшиқ айтиб борди:

Қуш учар бўлса қаноти қайрилар;
Давлат қайтса хон тахтидан айрилар;
Эй худоё, йигитга берма ўлим,
Йигит ўлса, қиз баҳтидан айрилар.

Қишиң күни қишлоққа ташланг порини,
Мард йигит ташлаб кетолмас ёрини;
Мард йигит ташлаб кетса ўз ёрини,
Душманлар сайдың күлар чорбоғини.
Номозшомда құй келади құзига,
Қулоқ солинг яхши ёрнинг сұзига;
Бориб айттай Поёндабой қизига,
Кирмасин яхши-ёменлар сұзига;
Майманоқ бозорига боргин, Зебом,
Турли-туман ипакдан олгин, Зебом,
Зайнаб ой¹ нусхасидан солғин, Зебом,
Бориб олдим Майманоқ әлагини,
Бир күрсам Зебо сийнинг желагини,
Ҳаво ёғса, қалқоб жойлар күл бұлар,
Карвон күчса, баланд тоғлар йүл бұлар,
Әй худоё, йигитта берма үлім,
Йигит үлса, бозор уйлар чүл бұлар,
Ой Зебонинг оқ үтөвдан уйи бор,
Янги чиққан нов терақдек бүйи бор.
Қулоғимга келди карнай товуши,
Осулингда қандай бойнинг түйи бор?
Мен сенинг қомат-буйнингдан үргилай,
Бир қиё бокқын күзингдан, ой Зебом.
Ой Зебом уйдан чиқади қориниб,
Одам билмас яхши гулдан тогиниб.
Полапондан келган әди Ѓезижон.
Сиздайин ой Зебони соғиниб.
Осмонда ёруғ юлдуз ягонадир,
Зебо билан Зулайқо дугонадир
Зебо үлса Зулайқо йиғлаб турар.
Орқа сочи белига чулғаб турар.
Ой билан офтоб талашган ой Зебом,
Оқ юзига хол ярашган ой Зебом.

Ёзи шу гапларни айтиб, Поёндабойникига кириб келди. Кўрса, дарҳақиқат Зебонинг уйида катта мәжмондорчилик бўлаётган экан. Ёзи аввал яширинча қизни топди ва унга бир сўз айтди:

Эниб келдим қишлоғинг равонидан.
Чоригим тешилди-ку товонидан.

¹ Зайнаб — Зебонинг дугонаси бўлиб, қалпоқ тикишга мөхир.

Құлғымга най товуші келади,
Танладингми күёвнинг ёмонидан?¹
Дарёнинг нарёғида уйларингиз,
Күкариниб күринади бўйларингиз,
Ипмиди, ипакмиди кийганингиз,
Биздан ҳам ортиқмиди суйганингиз?
Анов төғ манов тоққа мовир¹ бўлар
Қора сочинг орқангга довур бўлар
Ешлигингда опанг солган сочбовинг
Қандай қургур қўлига жовур бўлар!
Зебо ой, жўхори эксанг поя бўлар;
Балхи рўмол бошингга соя бўлар,
Ўн тўртингда онанг солган тахтапўпак²
Қайси номард қулида зоя бўлар.
Анов турган бизнинг ёрнинг ўзими,
Бошидаги қалпоги мушкдўзими,
Остонага бош уриб қарғай десам,
Билмасам, онасининг ёлғизими.

Зебо:

Қошингни қорасига қундуз бўлай,
Ой қоронги кечалар кундуз бўлай
Осмонда ярқираган юлдуз бўлай,
Кўйлагинг ёқасига қундуз бўлай
Қошингнинг қорасига қотгин мени,
Ошиқлик бозорида сотгин мени,
Ошиқлик бозорида олмасалар,
Полоҳмон тоши қилиб отгин мени.

Ёзи:

Буталар ўйнаб келар ўз тоғидан,
Ёзижон ўйнаб келар яйлогидан.
Дарёлар тошиб келар тош устига,
Зебоҳон ўсма қўяр қош устига;
Ўсмаси ўтдан экан қулф урмади;
Ваъдаси ёлғон экан ёр келмади.
Зебо ой оллона чиқди сой билан,
Қўлида тилла пиёла май билан,
Пиёлангни менга бер, буштатайнин,
Бўйгинангни бўйима ўхшатайнин.

¹ М о в и р — тулаш маъносида.

² Шу сатр бошқа варианларда «силаб-сийпаб ўстирган қора сочинг» дейилган.

Зебо:

Қор ёққанда келма, ёрим, из бўлар,
Изни кўрса халойиққа сўз бўлар;
Бир фасл сабр қилсанг аёз бўлар
Сийнангни сийнамга қўйсанг ёз бўлар.

Ёзи:

Қўй ичида чайқалиб совлиқ турар;
Ўроқчининг белида бовлиқ турар;
Яхши ёрнинг қўйнига борган кечанг,
Ота, меҳмон келди деб уйга кирав.
Қизгина, қайга борасан йўл ёмон,
Остидан дарё оқар, усти туман,
Бир гапим бор айтаман қилманг гумон,
Шу суйганинг ёрингиzinинг дарди ёмон,
Қўй ичида қўчқор жуни малладир,
Отанг қурсин бераман деб алдади;
Берадими-бермайдими золим отанг,
Бир муғамбирнинг пулига кўнади.

Зебо:

Отам менинг отимни Зариф қўйди,
Қора қулоқ сочимни ўриб қўйди.
Оламан деб мағрур бўлманг, Ёзи турар,
Ул кун отам бирорга бериб қўйди.

Ёзи газабланиб, тўй маслаҳатини қилиб зиёфатда
ўтирган одамларнинг олдига боради ва меҳмонларнинг
олдиди Зебога эшиттириб, шундай дейди:

Номозшомда нон пиширган, ой Зебом,
Үйига меҳмон туширган, ой Зебом.
Меҳмонгинам узоқ йўлдан келди деб,
Кулласини хом пиширган, ой Зебом¹.
Аҳли ёр, ақлингни шайтон олдими?
Ўроқчининг қорни очқаб қолдими,

¹ Зебо келадиган меҳмонларнинг совчилар эканлигини билиб, атайлаб хамирни оширмай, нонни хом пиширган эди.

На сабабдан кечга қолди хамиринг,
Гап билан бир айёр ақлинг олдими?!
Този құшдым товушқоннинг изига,
Совчи кепти Поёндабой қизига,
Поёндабой сенга айтай сұзимни,
Мен қороллик қиласай, боқай құзингни;

Менга берсанг Зебо отли қизингни,
Майманоққа беклар қиласай ўзингни.

Ези түйни бир амаллаб қайтариш ниятига тушади
ва түйхонарадагилар ҳузурида яна Поёндабойга қараб,
Зебога әшилтириб, бир сұз дейди:

Сабзиман саккыз теракнинг түғриси,
Мен бұлай ойдай Зебомнинг ўғриси;
Мен бұлғунча қүй қылсин, құзи қылсин,
Мен доим ойдай Зебомпинг чұриси.
Қизгина ҳайкал' солади бүйнига,
Дүли маржон тұқылади қўйнига
Қизгинани севганига бермаса,
Уволи ота-онасин бўйнига.
Кўкаlam устига кўк тош, ой Зебом.
Отангиз бизга қариндош, ой Зебом.
Совчи қўйдим отанг менга бермади,
Отангиз номард, қизилбош, ой Зебом.

Езининг бу гапларини әшилтгач, түй олиб келган
бойлар бу йигит Зебонинг ўйнаши экан, түйни қайта-
рамиз, деганларида Поёндабой уларга сир бой бермай,
шундай дейди: бу бола ўзимнинг етимим, қизим билан
бирга ўйнаб катта бўлган. Яхши-ёмон сўзни ажрата
олмайди. Опамга түй келди деб, хурсанд бўлиб, ўзича
валдираяпти, деди. Ези Поёндабойга қараб, нимаики
бўлса ҳам совчиларни қайтариб юбориш учун мана шу
сўзларни айтди:

Қўй ичига қўчкорим оралади,
Қўчкоримни бўрилар яралади.
Қизгинангни бўй дема, Поёндабой,
Оқ ўтовда ой қизинг болалади.

Йилқ(и) ичидә минган отим қоралади,
Қора отимни қаришқул¹ яралади;
Саҳар туриб борсам ёрнинг қўйнига,
Қора сочбоги белимга ўралади.
Йилқ(и) ичидә минганим тўри тойим,
Тўри тойни шохлардан иргитайин.
Зебожонни бу ердан олиб қочиб,
Куёванинг шўрини қуритайин.
Йилқ(и) ичидә минган отим чиборимдир;
Чиборимга тақайин туморимни,
Ёрим берса оқ юзидан икки бўса,
Тамакидай ёзар эдим хуморимни.
Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай,
Бир киё боққин кўзингдан, ой Зебом.

Совчи бўлиб келганлардан бир киши айтди: бу йигитнинг ҳам олдига бир товоқ ош қўйинглар, ош билан овора бўлиб турсин, тоза одамнинг шармандасини чиқарди-ку. Ёзининг олдига ош қўйдилар, устига кўп гўшт қўйдилар. Ёзи ёнидан пичоқчасини олиб, гўшти тўғраб турган эди, қизга хаёли кетиб, қўлини кесиб олди. Қизга қараб, унинг рўмолчасини сўраб, деди:

Найлайн-а, наилайн, мен наилайн,
Гар гапинг бўлса танамга жойлайн.
Қўлгинамни кесди ханжар, чиқди қон,
Оқ рўмолинг ташла, қўлимни бойлайн.

Зебо бошидан рўмолини олиб, Ёзига ташлади. Ёзи кесган қўлини боғлади. Ёзининг бу қилган ишидан, айтган гапларидан тўй олиб келган кишилар аччиғланаб тўйларини қайтариб олиб кетдилар. Бунга чидай олмаган Поёндабой, бу ерлардан кўчиб кетмасам, Ёзидан қутулмас эканман, деб ўйлади. Поёндабой чорва молларини ҳайдаб, бу ердан бошқа узоқ ўтлоққа кўчди. Бой қизини елмояга — икки ўркачли йўрга туяга миндириб жўнади. Ёзи ҳам бойнинг кетидан жўнайверди. Ёзи билан Зебо йўлда бора туриб, баланд овоз билан қўшиқ айтишади.

¹ Қарышқул — бўри.





24 бетга





42 бетта

Молим-молим деганинг икки әчки,
Униям бири қисир, бири кечки;
Молим-молим деганинг катта ҳаёт,
Униям сотгин-да, сўнг охурда ёт.
Молим-молим деганинг қўш жувана,
Униям сотгин-да, бўлгин девона,
Молим-молим деганинг битта чакман,
Униям сотгин-да, сўнг аёзда қот.

Ёзини якка деманг, бўласи бор,
Икки тана кетгудай тўласи бор,
Қизгина, ҳайкал тақибсан бўйингга,
Гули лола очилипти қўйнингда,
Дарёдай тошиб келасан, ой Зебом,
Ҳаддингдан ошиб келасан, ой Зебом.
Аввал бошдан харидоринг мен эдим,
Ўт қўйиб, ёқиб келасан ой Зебом.

Дам-бадам ўтган дамни сен дам дема,
Сен ўзингни чўп-хасдан кам дема.
Сен ўзингни чўп-хасдан кам десанг,
Ошиқлик савдоси тушса ғам ема.
Дам-ку, шул дам, ўзга дамни дам дема,
Чўпни кўрсанг сен ўзингдан кам дема!
Боғбона, бизнинг уйда бўза бор.
Шокосага шарбатини суза бор.
Шокосага шарбатини сузмасанг,
Боғ оралаб тоза гулдан уза бор.

Юқоридан келаман билмайсанми,
Қалпоғим кир бўлипти ювмайсанми
Қалпоғимнинг кирини ёмғир ювсин,
Сенга ошиқ булганимни ўзинг билгин.
Юқоридан келаман эл қидириб,
Сен агар ошиқ бўлсанг, кел югуриб,
Юқоридан келаман, билмайсанми?
Сочингнинг ҳар толига илмайсанми?
Сочингни ҳар толига сен илмасанг,

Күлгэ олиб зомбирчадай¹ тилмайсанми?
Юқоридан келаман қуён қувиб,
Зебо ой уйдан чиқар бошин ювиб.
Сочини үрай дедим, ўролмадим,
Өтангиз золим экан, кўролмадим.

Зебо Ёзининг совуқдан қалтираб турганини кўриб,
раҳми келиб, бир сўз дейди:

Қор ёғмай ола бўлган тоғлар,
Химчасидан хазон урган боғлар.

Ёзи:

Ёзижон ёвонга чиқди ялангоч,
Қор билан ёмғир ёғади аралаш.
Қор билан ёмғирда келди Ёзижон.
Раҳминг келса, Зебохон қўйнингни оч.
Ой Зебом елмоя миниб йўртади,
Ҳам мени қўймайди олиб кетади.
Бор экан Поёндабойнинг бир қизи,
Еилмайман, бу қизни кимга элтади!
Саман от устига минган сарвиноз,
Қўлида лочин қуши овлайди ғоз.
Салом берсам, саломим олмас алик,
Қўшкининг устида Зебом қилди ноз,
Дарёнинг у ёғида кўрдим сени.
Шираю шарбат бериб суйдим сени.
Шираю шарбат бериб суйсам сени,
Бўлайн номард олмай қўйсам сени.
Дарёнинг нариёғида ятика чинор,
Баргига қўнай десам шохи синар;
Мендайин булбулни кўндирамасанг,
Яна қайтиб шохинга зоғлар қўнар,
Зебом отлиқ, мен пиёда йўлдаман,
Йўлда эмас, бир ажойиб чўлдаман.
Йўлда келар, йўлдаман деб қувонадир.
Бу менинг ёрсиз бошим девонадир.
Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай,
Бир қиё боққин кўзингдан, ой Зебом.

Поёндабой бир-икки кун дам олиш, йўлда юриб чарчаган молларини ўтлатиш, сувлатиш учун бир сувли

¹ Зомбирча — сапча ҳамак.

жойга тушди. Бой отдан тушиб, қора уйларини тика бошлади. Пиёда юриб роса чарчаган Ёзи бир четда сояроқ жойда ётиб ухлади: у шу ухлаганча қирқ кечаю қирк қундуз уйғонмади. Поёндабой бундан фойдаланиб, бу ердан күчіб жұнаб қолди. Зебо Ёзини уйғотмоқчи бўлиб, құшиқ айтди:

Эшигингга супа бойлай чим билан,
Биз кетармиз, сиз қоларсиз ким билан;
Биз кетармиз, бир гала кағвон билан,
Сиз қоларсиз юракда армон билан.

Ёзи уйқудан уйғонмади, қирқ кундан кейин уйқудан уйғониб туриб қараса, Поёндабой аллақачон қочиб кетипти. У ұша ердаги чашмаларда бет-құлини ювиб, құлини құйнуга тиқса, яримта нони бор экан, нонни сувга ботириб еб, бойнинг қаёққа кетганини билмасдан турган пайтда бир қари киши олдидан чиқиб, ҳа, болам, нима ахтарасан, деди. Шунда Ёзи Поёндабой билан бўлган воқеани ва унинг кетган томонини билолмаётганигина айтди. Бобо унга деди: «Сен қирқ кечаю қирқ кундуз ётган бўлсанг, бой аллақачон узоқ ерга етиб олди; Ұлигингни қузгуналар еб кетгандан кўра, яхиси қайт, дунёда қиз деган биттами, бошқасини топасан деганда, Ёзи бобонинг бу гапига кўнмади; шунда бир булбулни кўриб қолди. Ёзи булбулни ушлаб олди. Булбул Зебоники эди. У Зебони соғинганида ҳалиги булбулнинг кўзига термилар эди. Ҳозир ҳам шундай қилди ва чолга Зебонинг йўлида ўлсам ҳам қайтмайман, деди. Бобо, ўғлим, ҳув анови қишлоқда Валламихон деган эшон бор. Бу эшоннинг бир бўш оти бор, агар шу отни миниб йўлга чиқсанг, эҳтимол етарсан, бўлмаса етолмайсан, деди. Ёзи бободан фотиҳа олиб эшонникига қараб жұнади, Зебони ўйлаб, жудоликдан нола қилиб, йўлма-йўл қўшиқ айтиб борди:

Йўл билан юрма, оёғинг гард бўлар,
Қайрилиб боқма ошиққа, лат бўлар.

Үлиб айрилганда-ку бир илож һўк,
Тирик айрилган ёмон дард бўлар.
Ёз бўлганда очилар турли гиё,
Отгинангдан айланай чашми сиё,
Ўзбекилаб қичқирсам эл тушунар,
Тожикилаб чаҳирай инжабиё.
Гули раъно айни гул ранг вақтидир
Майманоқ ойдай Зебомнинг тахтидир.
Майманоқда қўш ҳайдаган қўшчилар,
Ҳазир бўнглар Зебом қайтар вақтидир.
Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай,
Бир қиё боққин кўзингдан, ой Зебом.

Ёзи йўл бўйлаб бораётган эди, бир қишлоққа оралаб ҳаяллаб қолди. Қишлоқ кўчасида кўп болалар ўйнаб юрган экан. Учтўрт бой даштда молларини бир неча кунга ўтлатиб келиш учун кетаётган эди. Бойларнинг болалари, хотин-қизлари эшак, от, туя ва мол ҳайдашиб кетаётган эди, бир ёш келинчак тужда якка ўзи бораётир эди. Ёзи шуларнинг ҳаммасидан Зебони курдиларингми деб сўради:

Ҳаво ёгса лой бўлади кўчалар,
Кучада ўйнайди гўдак бачалар;
Мен сизлардан ой Зебомни сўрайман,
Бир бўлак қўй ҳайдаган бойваччалар,
Мен сизлардан ой Зебомни сўрайман.
Кўч ортидан бешик ортган чечалар.

Ёзининг бу ганига ҳеч ким жавоб бермади. Ёлғиз ҳалиги туяга минган келин унга қараб шундай деди:

Зебом дейсан сен сўрайсан кўчдан,
Қуйганингдан сувлар ичгин ҳовучдан,
Отгинангдан айланай, эй Ёзижон,
Ой Зебонг кетди илгариги кўчда.
Бир белгиси қизил баҳмал уйи бор,
Бир белгиси танноздайин бўйи бор,
Бир белгиси ола мўйноқ ити бор,
Ўн тўрт кунлик ойдай бўлган бети бор.
Сулувлиги йўқдир жаҳон айвонида,
Баҳри қилди кўп одамни армонда,
Зебо деса кетар орзу-ҳавасим,

Уни куриб кетди менинг ҳам эсим.
Жангирлайди гавронимнинг овози,
Ўзи гўзал санам қизларнинг сози,
Ошиқ бўлсанг, тезроқ боргин, кал бача.
Ҳозир қўнган жойи дашти Арзана.
Сабаб билан олиб қолсанг, укажон,
Мени қилгин шу санамга дугона.

Ёзи билан бирга анча йўл юргач, Валламихон
эшоннинг отини сўраб олиш учун йўлдан айрилиб кет-
ди. Эшон турган қишлоққа борди, унинг ҳовлисига ки-
риб, отбоқарига йўлиқди ва салом берди. Сайиснинг
нима қилиб юрибсан, деган саволига Ёзи, мен талаб,
деб жавоб берди. Сайис ундаи бўлса, етим бўлгин, деди.
Бунга Ёзи рози бўлди, икковлон отга қараб юриб со-
монхонада бир неча кун ётди. Бир кун эшон мурид ов-
лагани қишлоқларга жўнаб кетди. Уч тош йўл босган-
дан кейин, эшон бир қишлоққа тушди. Қишлоқдагилар
эшонни зиёфат қилиб, овқатни еб бўлай деган пайтда
Ёзи эшоннинг кетидан йўл юриб, эшон тушган ҳовлига
кириб, аста уйга кирди ва пойгакда ўтирди. Эшон бола-
нинг кийимларини кўриб, ўзидан қолган овқатни унга
берди, эшоннинг кетидан юрган сўфилар, нечук эшон
биздай мулла кишиларга илинмасдан, бу болага шун-
ча ҳиммат қилди, деб аччиғландилар. Эшон сўфилар-
нинг бу феълидан хафаланиб, муллаларга шундай са-
вол берди:

У нимадир, осмондаги дўланган?
У нимадир, еру кўкка эланган?
Отгинангдан айланай сўфиларим,
Сўфи бўлсанг гапларимга бер жавоб.
У нимадир, тўрт қанотли учади?
У нимадир, ер багрини қучади?
У нимадир, чим тор ердан ўйилган?
У нимадир, ўз қонига бўялган?
Отгинангдан айланай сўфиларим,
Сўфи бўлсанг гапларимга бер жавоб.
У нимадир, тепасидан оғзи бор?
У нимадир, чайнагани мағзи бор?

Ү нимадир, Қўйиқофга жойланар?
Отгинангдан айланай сўфилар,
Ү нимадир, саҳар туриб уйгонар?
Ү нимадир, аввал оқшом чўғ бўлар?
Ү нимадир, тонг саҳарда йўқ бўлар?
Ү нимадир, кундузининг равшани?
Ү нимадир, кечасининг машъали?
Отгинангдан айланай сўфиларим,
Сўфи бўлсанг гапларимга бер жавоб.

Сўфилар эшоннинг гапига тушунолмай, жавоб беролмай ҳолишиди. Шунда Ёзи эшоннинг сўроқларини
харма-бир йўйиб берди.

Осмондан дўланган булат бўлур,
Кўкдан ерга эланган ёмғир бўлур,
Тўрт қанотли учган тобут бўлур,
Ер бағрини қучган мурда бўлур.
Чим тор ердан ўйилган қабр бўлур,
Ўз қонига бўялган шаҳид бўлур,
Тегирмоннинг тепасидан оғзи бор,
Чайнагани буғдойини мағзи бор,
Осмон тўлиб айланган булат бўлур,
Қўйиқофга жойланган пари бўлур,
Отингиздан айланай, эшоқ бобо,
Саҳар туриб уйгонган тўргай бўлур,
Ў оловдир аввал оқшом чўғ бўлур,
Ў юлдуздир тонг саҳарда йўқ бўлур.
Ў офтобдир кундузининг равшани
Ў ойdir кечасининг машъали.

Ден эшоннинг саволларига жавоб бериб булиб, ундан бўз отни тилаб, Абдуллахондан шикоят қилиб, шундай дейди:

Қарши бордим, Ғузор бордим, тинмадим,
Валламиҳон бўз отини минмадим,

Эшон бобонинг бўз оти ўша йили қирқ ёшга кирган
жекан, онадан туғилгандан бери ҳали сира минилмаган
жекан. Эшон хизматкорларига: «Отни эҳтимол ўзи уш-
лаб олар, уни фақат отиб ушлаш мумкин. Энди шу
жека бўз отни сўрабди, майли берамиз. Бирор отнинг

эгар-жабдуқларини ҳам олиб келиб беринглар», деб буюрди. Ёзи отнинг абзалларини елкасига күтариб, йилқилар орасидан бўз отни ахтариб кетди. Бир неча кун йўл юриб, отни ахтариб топди. Қувлаб ушлашга илож йўқ. Бир жойда ўтириб эланиб, Ёзи қўшиқ айтди:

Ола отим бўлса, минсам қичаб илғасам,
Ҳар саҳар турсам, Зебом деб йигласам.
Жон бўз от, жоним бўз от, қўзим бўз от,
Оёғинг бир-бир босиб, йўрганг тузат.
Осмони-кўкка қараб бўйнинг узат,
Шу саҳар мени ёрга еткарсанг,
Тўрвангни баҳмал қилай, еминг новвот.
Шу бугун Зебо ойга етказсанг,
Зебоҳон чорбогида қилай озод.
Бир бўз от, жоним бўз от,
Меркайиб бўйнинг узат.
Сен мени Зебо ёримга етказ,
От тўрванг қилай банот.
Мен сени қади-бўйнингдан айланай,
Бўҳ-бўҳ дейман кела қол, жоним бўз от.

Бўз от қулоғини ташлаб, ўт ўтлаб, Ёзининг олдига келди. Тўрт оёғини ерга тираб тек турди. Ёзи аста ўрнидан туриб, отнинг бўйнидан қучоқлади. Эгарни устига босди. Юганлади, айлини маҳкам тортиб, отнинг устига миниб, ёлига қамчинини тегдириб ҳайдаб йўлга тушди.

Одамлар Ёзининг бундай ориқ отда йўлга тушганинги кўриб, ҳайрон қолиб, бир ойда ҳам борадиган йўлига етолмайди, аввал ўлади, ёки йўлда саргардон булади, деб гапириб қолишиди. Бўз от учадиган бедов от бўлганидан жуда ориқ эди.

От осмони-кўкка қараб учиб учтиб кетди. Ёзи отга маҳкам ўрнашиб олди; эгарнинг қошидан қаттиқ ушлаб, қўзини юмиб, йўлда қўшиқ айтиб борди:

Ёзижон ўлиб боради очдан,
Куйганидан сув ичганди ҳовучдан;

Отгиннангдан айланай, ойдай Зебом,
Олти ой орқада қолдим күчдан.
Кунда-кунда келади ёр элчиси,
Мен бұлайин нозик қўлинг қамчиси
Чўлда битган саксавулнинг ўтини,
Ул пиширур чори қўйнинг этини
Жилвагар бұлса эр йигитнинг хотини,
Ул чиқарар мард йигитнинг отини.
Отанг менга берарми түя берсам,
Топганимни олдингга уя берсам.
Отангни бермасига қўяманми,
Үнг бетингдан қайрилиб сужа берсам.
Аттанг, ойни ёруғида қўй ёйилар,
Кета берсанг бу йўллар teng айрилар.
Олтойчалик сафарда ёв текканда
Ичкуяринг бўлмаса ким қайрилар.
Овушингдан деганда овушингдан,
Босолмайсан нўгойча ковушингдан.
Қўйга тақсан заказандай¹ жаранглайсан
Акагинанг айлансин товушингдан.
Қарқарангга қора мунчоқ тақайин,
Сенинг учун барча молим сотайин,
Сенинг учун барча молим етмаса,
Бошим олиб чорваларга кетайин.
Отанг бийлаб² беради қулга қизлар,
Ийлқ(и) ичинда минганим бўз бўлса-чи,
Йўргасидан юриши соз бўлса-чи.
Олти ойлик йўлларда қилсанг сафар,
Йўлдошингнинг бирори қиз бўлса-чи.
Ийлқ(и) ичинда минганим саман сари;
Саратонда эрийди тогнинг қори.
Кўксига солсам қўлни олиб қочар,
Сулув бўп кетган экан қизлар барн.
Ийлқ(и) ичинда минганим чилдир-чипор²
Йўргасидан юриши чопганча бор.
Ийлқ(и) ичинда минганим қора фуон.
Қора отим терлайди қулоғидан;
Шу бугун сен етказсанг Зебохонга,
Сугорарман сарчашма булоғидан.
Оҳ урсам, оҳ-зорим бир гулим,
Сочини тараб ўради сунбулим.

¹ Заказав — қўнгироқ.

² Бийлаб — боғлаб.

³ Чилди р-чипор — чипор-от.

Ҳеч ким ҳам билмас эди қүш тилгинанг,
Ҳар саҳар сайраб ўтар Зебо гулим.
Мен сенинг қадди-бўйингдан ўргилай,
Бир қиё боққин кўзингдан, ой Зебом.

Ёзи отнинг устида мастдай бўлиб кетаётган эди, қулогига отнинг дукурлаган овози эшитилди. Кўзини очиб қарасаки, бўз от ерда бой кўчига етиб олиб, Зебо билан ёнма-ён кетяпти: Ёзи отдан тушиб отнинг юганини ечиб олиб, эгарнинг қошига боғлаб, ҳайдаб юборди. Ўзи пиёдалаб қизнинг қаватидан кетаверди ва Зебога қараб бир сўз деди:

Қизгина, чиқди ариқнинг решига,
Тилла лаълини кўтариб бошига,
Бўйингдан айланай, ойдай Зебом,
Рахмингиз келмас кўзимнинг ёшига.
Сопол кўза кўтарасан долингга,
Ёзи кал ийғлайди сенинг ҳолингга,
Етиб келдим қўй sogар маҳалингга.

Зебо:

Кўча-кўча кўчда армон қолмади,
Кўллай-қўллай қўлда дармон қолмади,
Орта-орта туямда мадор қолмади,
Ўлим берсин Поёндабой яйловига,
Қонда ун, саночда талқон қолмади.

Ёзи:

Ой Зебом ўсма қўяр қош устига,
Ой Зебомни йўқлайман ош устида;
Майманоқ ўрдаклари сайраб учар,
Булбули гўяндангга бўлдим дучор;
Юқоридан келаман от ўйнатиб,
Паст девордан қарайман ёр йўқотиб.

Зебо:

Паст девордан қарама бошим яланг,
Қарасанг-қарамасанг, қошим қалам;
Отгинангдан айланай, Ёзи тўрам,
Поёндабой қизиман билсанг менам.
Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай,
Тилла ҳайкал кокилингдан, Ёзижон.

Ези:

Күш ариқдан ҳатлаган қўйнинг изи,
 Машати рўмол тикар бойнинг қизи;
 Машати рўмолингиз бўлсин гаров,
 Мен тоғлардан келтирай сенга гаров.
 Майманоқ бозорига боринг, Зебом,
 Турли-турли ипакдан олинг, Зебом,
 Ёзижон бўлбогини ташлаб кетар,
 Оқсарой нусхасидан солинг, Зебом.

Вебо:

Ёргинам ёrim демайди мушкули,
 Ёзижон кашта берармиш қиши куни,
 Қиши куни тикай десам лой булади,
 Ёз куни тикай десам чанг булади,
 Мен уни асраб тикай ҳар рўзада,
 Ёзижон, боғлаб чиқинг дарвозага;
 Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай,
 Тилла ҳайкал кокилингдан, Ёзижон.

Ези:

Ярқираб туғди аzonнинг юлдузи,
 Карвон кўчар кечаси ҳам кундузи;
 Мен сени саҳар туриб қарғай десам,
 Сен ҳам бир Пойнабой ёлғиз қизи.
 Зебо ой ҳайкал тақипти бўйнига,
 Гули сафсар очилипти қўйнида.
 Тоғ шамоли озиллайди бошима.
 Шоҳи кийиб, шайланиб кел қошима.
 Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай,
 Бир қиё боққин кўзингдан, ой Зебем.

Вебо:

Ой чиқиб шуъласи урди юзима,
 Сендан ўзга ёр кўринмас кўзима;
 Сендан ўзга ёр кўринса кўзима,
 Ўтириб ўлим тилайман ўзима.
 Богларда гул очилади нишона,
 Сенинг ишқинг мени қилди девона,
 Ёзижоним, чўл ерда юрибмисан?
 Отам кўчди Бадахшоннинг шаҳрига,
 Бадахшон йўлларини кўрибмисан?
 Мен сенинг қадди-бўйингдан ўргилай,
 Қуралай нарғис кўзингдан, Ёзижон.

Ёзи:

Бадахшонда ранда-ранда пўта бор,
Курганим йўқ Бадахшон йўлларини,
Бадахшон йўлларини кўрсата бор.
Ёзи айтар: мен Қайнарнинг тошиман,
Зебо айтар: мен қизларнинг бошиман.
Отгинангдан айланай, ойдай Зебо,
Асрой билсанг, лаъл-гавҳар тошиман.
Баҳор бўлса очилар турли гиё,
Майманоқнинг устида ўтлар туя.
Қизгина, чарх дугингни соз қил,
Қўхи тоф устига чиқиб ноз қил;
Оқсаройни ким супурди гарди бор,
Соялаб ётган йигитнинг дарди бор.

Поёндабой қучанинг бошида кетаётган эди, Зебо
Ёзи билан кўнгил олишиб, анча орқада қолишиди. Бой
уларнинг бу хилда топишиб кетишини билмади, ҳатто
овозини ҳам эшитмади. Бир вақт бой, қизим ким билан
гаплашаётган экан, деб кейинига қараса, Ёзи билан
Зебони бирга келишини кўрди-да, ҳай аттанг, шунча
вақт йўл юриб келганим бекорга кетди; яна етиб ке-
липти-да, лаънати, деб турган эди, у билан бирга кета-
ётган қўшнилари бойни уришиб, шундай дейишди:—
Эй нодон бой, шунча вақт кечакундуз тинмай йўл
юриб келамиз, яна Ёзи келаёттипти дейсан, Ёзи қизим-
га үйнаш дейсан, аслида үйнаш эмас. Ўз фарзандинг-
дай бўлиб кетган экан, дунёда сенинг қизингдан бошқа
қиз йўқми? Ўзбекларда бир нақл бор: элак олиб кел-
ган эмгагини ермиш (хизматини қилиб нон ермиш);
шунча жойдан пиёда келяпти, лекин, сени сира раҳ-
минг келмади. Кўп ҳаҳри қаттиқ одам экансан, бирон
той миндир бўлмаса, қизинг миниб келаётган туюнинг
жиловини бергин, етакласин, бирон сувлик жойга ту-
шайлик.

Поёндабой қўшниларининг айтганига кўнмади, Ёзи-
ни ҳеч қайси туюга миндирмади. Лекин одамлар олди-
да гўё инсофга келиб, Ёзига қизи миниб келаётган

туянинг жиловини тезроқ етаклаш учун берди. Туянинг жиловидан етаклаб, Ёзи терисига сифмай хурсанд бўлди ва Зебога қараб, ошиқлик дардида бир қўшиқ айтиб бораётир:

Бўзалар иссанг, бўзадоринг бўлай,
Отланиб чиқсанг, жиловдоринг бўлай;
Жиловдорлик хаёл-хуёл иш бўлар,
Мен сенинг жондан вафодоринг бўлай.
Ёрим кетди, меҳри кўздан кетмади,
Ёр билан юришга дастим етмади.
Шафтолига пайванд солдим бол билан,
Соясида ўтирайлик ёр билан;
Якка чиқди жўхорининг пояси,
Жумла оламга урди сояси.
Қизил гулни сувга солдим ботмади,
Мен Зебомга жойлар солдим ётмади,
Тўққиз коса тўлиб келди бол билан,
Кўнглим учун бировидан тотмади.

Зебо:

Баланд-баланд жойларда қуш ўлтирас,
Камбагаллик бошга кулфат келтирас;
Камбагал бўлсанг, ўлингга рост бўл.
Ҳар муродинг бўлса, меҳнат етказар.
Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай,
Бир қиё боққан кўзингдан, Ёзижон.

Ёзи:

Зебожон, ҳайда қўйингни боқайин,
Эшигингдан чашма бўлиб оқайин.
Эшигингдан чашма бўлиб оқмасам,
Лабгинагда писта, бодом чақайин.
Мен бугун кўрдим сувда бир сувчини,
Тишлаб олай лабгинангни учини;
Лабгинангни учиди меҳригиё,
Тожикилаб чақирай, инжабиё.

Зебо:

Ўроқ ўрсам ўнг билагим толди,
Чаккангдаги амманг қўйган холдир.
Бу ичганим бўза эмас, болдир.

Ези:

Холдороя, Холдороя, Холдорой¹,
Хол устига хол қўйган Холдорой,
Рўмolini дол қўйган Холдорой,
Шом бўлмай дарвозасин беркитар,
Салтанат билан ўзини елпитар.
Улим берсин салтанатли ёрга,
Қўлимга келган қушимни ҳуркитар.
Шом бўлмай шотерак шайдо бўлар,
Ошиқлик икки қуздан пайдо бўлар.
Ошиқлик ҳар номарднинг иши эмас,
Қандай бир шер омаддан пайдо бўлар.
Сув десам, сувни бердинг жомда,
Сувни ичмай ичим тўлди ғамга.

Зебо:

Ой қоронги, кун булат, йўрттар бури,
Бури қувган отингнинг чиқмас тери;
Сўйла-сўйла тилгинангдан гўё қуш,
Ёзи-ё, даврингда, гулим очилар,
Сен сўйласанг, менинг дилим очилар.

Ези:

Ой билан офтобни кўрдим кўчда мен,
Бир ажойиб қизни кўрдим тушда мен.
Бетини кўрай дедим, кўролмадим.
Отини сўраб қолсан кошки мен.
Юқорида бир бўлак кўч келади,
Кўч ичинда севган ёр дуч келади.
Отгинангдан айланай, ойдай санам,
Хумор қўздан милдираб ёш келади.
Чой ичдим, шама илинди тишима,
Тун кеча ёrim киради тушима;
Кўплар айтар сенинг ёринг бевафо,
Бевафо бўлса киарами тушима?!

Зебо:

Ой туғиб қиблага ботиб боради,
Фофил банда умри ўтиб боради,

¹ Холдорой деб Зебони айтмоқчи.

Ғофил банда умри ўтмай на қилсин,
Куни битмай кунда ўлиб боради.
Езижон келса эди аттор бўлиб,
Товдаги арчаларга саркор бўлиб.
Езикал бурун замон ҳар кориди.
Товдаги писталарга саркор эди.
Товдаги писталарни совуқ урибди.
Ота-энасидан айрилган етимлар хор бўлибди.

Ези:

Мен етим, етим етим, тўним етим,
Қачон тегар оқ этингга сабз этим;
Тегса тегсин оқ этингга сабз этим,
Дунёдан шундоқ ўтайлик биз етим.

Зебо:

Қарқарадан қараган қўзини кўр,
Ювиндихўр етимчанинг сўзини кўр;

Ези:

Қамчилаб сурдим самандар созини,
Гул танимас булбулнинг овозини;
Гул таниса булбулнинг овозини,
Зебохон танимайди кал Ёзини,
Оқдим-кетдим дарёларнинг конига,
Оқ тиканлар пайдо бўлди ёнимда;
Бориб айтинг Зебо отлиқ ёримга:
Тўйлар тикиб тахлаб юборсин ёнимга.

Ези туини етаклаб бораётган эди, тусатдан қаттиқ шамол бўлиб, ҳамма жойни губор босиб қолди. Чанг, губор босиб, қоронғилашиб қолганлигидан фойдаланиб, Ези иргиб қизнинг олдига тияга миниб, Зебони олиб қочди. Бир неча соатлар йўл юрди, кучдан олислаб кетиб қолишиди. Вўрон тингандан сунг Зебо Ёзига қараб: «Сенинг муҳаббатингда кўпдан бери томоғимдан ҳеч нарса ўтмаган эди, энди бир овқат ей», — деди. Ези қизни тудан туширди, бир шафтолининг тагига қўйди, ўзи овқат сўроқлаб кетди. Овқатни топиб келиб икковиб еб, яхши суҳбатлашиб ўтиришиди.

Ёзи:

Эшигинг олди йўнгичка, ой Зебо,
Баргини ейди қумурса, ой Зебо,
Белгинанг қилда ингичка, ой Зебо,
Эшигингни олди шоли, ой Зебо,
Шолисидан баланд поли, ой Зебо.
Қиз ҳам бўлса мард экан ойдай Зебо,
Куйдирди чаккангниинг хөли, ой Зебо.
Эшигингдан мен ўтарман маст бўлиб,
Ҳолимни сўрмадинг сен дўст бўлиб,
Ҳолимни сўрамасанг-да, сен дўст бўлиб,
Белгинангга илашарман хас бўлиб.
Вой дема, вайрана кунглим бузилар,
Ёқангдан тортсам садафинг узилар;
Садафим узилди деб ғам қилмагин,
Садафинг ўринига маржон тизилар.
Кучада ўтиб боради икки ёр,
Бириси гулгун кийипти, бири нор,
Нор кийган нозанин қўйнингга ол,
Ўнг билагинг ошириб бўйнимга сол.

Зебо:

Кўчадан ўтиб боради уч киши,
Дўмбира чертиб ўтар ўртанчаси,
Дўмбирангни менга бер қақшатайин,
Бўйгинангни бўйимга ўхшатайин.
Номозшомда ётган эдим сояда,
Уч киши ўтиб боради пиёда.
Пешонамга қўлим қўйиб қарасам,
Ҳаммасидан Ёзижоним зиёда.
Отга минисам, бўйим етмас ёлига,
Бўйим ўхшар қизил гул ниҳолига.
Богбона, боғинг тўла олуча,
Териб олай ўнг қўлим етганича.
Отгинангдан айланай, Ёзи тўрам,
Хизмат қилай то умрим ўтганича.

Ёзи:

Зебохонинг боғи бор, боғбони йўқ,
Юрагининг дарди бор, дармони йўқ.
Зебохоннинг боғига боғбон бўлай,
Юрагининг дардига дармон бўлай.

Поёндабой чаңг босилганидан кейин қараса, қизи ҳам, Ёзи ҳам йүқ. Туяниңг изидан келиб, Зебони топди ва олиб кетди. Поёндабой Ёзининг дастидан мамлакат хони Абдуллахонга арз қилиб, шундай деди: «Сен қандай подшосан, бундай одамларни йўқотмайсан, кўп марта қизимни олиб қочди, яна олиб қочган еридан олиб келяпман. Бу қандай шармандалик!» Абдуллахон газабланиб, Ёзининг устига қанча одам жўнатди. Ёзи шафтолининг тагида дунёда ёлғизликтан хафаланиб қўшиқ айтиб ётган вақтида Абдуллахон юборган ясовуллар Ёзини қувладилар, лекин унга етолмадилар, ясовулларнинг ҳаммасини чарчатди. Пиёда қувди, етолмади, охири Ёзининг ўзи тўхтади. Ашир қўшчи Ёзини оёғига ҳар қадамда бир қамчи уриб қўликузини боғлаб, сийнасини доғлаб олиб кетди. Абдуллахон, бутун ҳалқ етти ёшдан етмиш ёшгача дор тагига келсин, ҳамма кўрсинг деб чопар юборди. Ёзини дорга осишга тайёрландилар. Ёзини дорга тортишга олиб кетганларида Зебожон қора уйда бағрини ерга бериб ётган экан. Шунда Ёзи Зебони ёд қилиб, ўзидан-ўзи шундай қўшиқ айтди:

Айт деганда айта берай борини,
Абдуллахон қирга тикди дорини;
Сатқаи доринг кетай, қул бегим,
Кўзим тўймас кўриб ёр дийдорини.
Тегирмонга борсам уни гард экан,
Бу айрилиқ жуда ёмон дард экан.
Айт деганда айтмаган номард экан,
Зебо ойнинг икки лаби қанд экан.

Ёзи дор ёғочида қонқара қақшаб сайраб турган булбулни кўриб, деди:

Булбулим, етказ дарак дилдорга,
Осиларман хонимизнинг дорига.

Ақлли булбул ушбу сўзни дилига жо қилиб тезда учиб кетди. Зебо ўтовининг керагасидан қараб шундай

чах-чахлаб сайрадики, шосупада ухлаб ётган Зебо чұби
түркіб үйғониб кетди. Югуриб үтовга кирди, қайтиб таш-
қарига чиқиб, бу сайраган нима әкан, деб атрофга
қараганди, неча турли нағмада сайраётган булбулни
күрди. Зебо булбулни Ёзи юборганини билиб, ёрининг
шашынга ғазал үқиди:

Пұтасига чашми булбул боғлаган,
Дардини чүлларда айтиб үйғлаган.
Хайдарингнинг ҳар толидан үргулай,
Хон зулмидан құрқиб ёрин ташлаган.

Булбул сайраб шу сүзни билдири:

Гафлат босган бандаси ётармисан?
Дунёдан ёринг үтар күрармисан.
Боргунингча вафодоринг үлиб кетса,
Күк кийиб мотамини тутармисан?!

Булбул учиб кетди, Зебо дарров отасининг отини
эгарлатиб, отнинг сағрисини силаб, бундай деди:

Отга эгар солдим ҳайронлик билан,
Айил тортдим күп паришонлик билан,
Кулоқ солдим ёр овози келмади,
Йулга тушдим хуни гирёнлик билан.

Шунда Зебохон қирқин канизи билан қуролланиб,
үқ-дори олиб, дор тагига жұнади. Дор атрофини уч
кунлик йүлгача одам босган. Дор баланд осилган. Шунда Зебонинг қаҳри келиб, ёв-ярогини олиб, әрқак
либосини кийди, сочини шипирма телпак ичига солди,
одам устидан бостириб ҳайдади. Изидан қирқин ка-
низини тиркаб, лұнда бўлиб тұғри дор тагига ҳайдади,
одамларнинг күпларини босиб үтиб борди. Шунда Ёзи
құшиқ айтди:

Айт деганда айтавердим борини,
Ёзи излар Зебохондай ёрини,

Садқаи доринг кетай Абдуллахон,
Энди күрдим ёрнинг дийдорини.

Езини дорга тортаётганда Абдуллахон, вазир ўти-
ришти. Буни кўриб қиз бир сўз деди:

Уртадаги Абдуллахон эмасми,
Ўнг қўлдаги вазир султон эмасми?
Танимаймайми ўз ёримни, ёр ўргулай,
Сўл қўлдаги Ёзи чўлпон эмасми?
Қирқ қулоч сочимни ёздим, дорга,
Коса ҳон ичдим унингдек ёрга,
Сатқаи отинг кетай, Абдуллахон,
Бегуноҳ Ёзини османг дорга!

Бу гапни Ёзи эшитиб турган эди, у қиздан гина қи-
либ шундай деди:

Ўсма билан қорайтирманг қошни,
Хуснинг бўлса, эритарсан тошни,
Садқаи ҳуснинг кетай, гулдай пари,
Авлиёлардан тиланг бардошни.
Қирқ қулоч сочингни ёзма дорга,
Коса ҳон ичма менингдек ёрга.
Бунча гамгин бўлмасангиз майлига,
Инғлагувчи топилур мен зорга.

Зебо яна тўрда ўтирган Абдуллахонга ялиниб,
унинг гуноҳини ҳақиқат қилишни илтимос қилиб деди:

Дарёнинг ул ёғида бир туп шўра,
Ёзининг боғлаб келар қирқ бир тўра;
Отгинангдай айланай, Абдуллахон,
Кал етимнинг арзини одил сўра.

Ёзи ҳам Абдуллахонга қараб бир сўз деди:

Ошиқ бўлдим чорвадор бачасига¹,
Гул териб, хирмон қиласай кучасида;
Куядузи хаял-ҳуял утар куним,
Тоқатим йўқ қоронги кечасига.
Ун икки мискили² бор ҳужрасида,

¹ Бача — бола.

² Мискили — чироқ.

Бир машъал қўша фонусдай ёнади.
Отгинангдан айланай, ойдай Зебо,
Қуралай наргис қўзингдан айланай,
Ошиқ-ошиқ, чин ошиқ бўлсин киши,
Елғон ошиқ бўлгунча ўлсин киши.
Ошиқлар бир-бирига шайдо бўлур.
Ошиқлик икки кўздан пайдо бўлур.

Абдуллахон Ёзидан сўради:

— Сен бу қизни нима учун олиб қочдинг?

Ёзи айтди:

— Мен шу қизнинг отасига бир неча йиллар хизмат қилганман. Биз севишганимиз, отаси бунга сира ихтиёр бермайди. Тўғриси шуки, мен қизни ўз розилиги билан олиб қочганман, ишонмасангиз мана ўзидан сўранг.

Абдуллахон Ёзининг бу сўзларига қулоқ солмади. (У Поёндабойдан Ёзини ҳар нима қилиб бўлса ҳам йўқотиш учун кўп нул пора олган эди). Абдуллахон Ёзининг ялинганига қарамасдан, ишни ҳақиқат қилмай, уни баланд минорадан тириклай ташлаб ўлдиришга буюради. Хон бу ишни ўн киши бажаришини айтади ва ўн ясовулига Ёзининг қўл-оёғидан ушлаб отинг, ерга тушмай гард-гард бўлиб кетсин, деди. Ёзини минора тепасига олиб чиқдилар. Миноранинг тепасидан бир пудлик чўянни ташлаганда майда-майда бўлиб кетар экан, Ёзини шу ердан ташлади, талқон бўлибоқ кетсин деб. Шунда Ёзи икки қулочини икки ёққа қаттиқ силтаб юборди. Икки томондаги ўн киши минорадан тушиб кетди; минорада ёлғиз Ёзининг ўзи қолди. Абдуллахон бундан дарғазаб бўлиб уч марта одам чиқарди. Уч марта ҳам Ёзини минорадан ташлай олмадилар. Ёзи Абдуллахон чиқарган ҳамма одамларни минорадан иргитиб юборди. Ёзи ўзига ўзи айтди: кел, шунча йиқилган одамларнинг боласи етим қолди, хотини бева, менинг кимим қолади; ўлсам ўла қолайин деб, минорадан ўзини ташлади. Ёзи турган одамларнинг ичига тикка, ўлмай тушди. Буни кўрган Зебо халойиқнинг ўртасига кириб, одамларга бир сўз деди:

Абдуллахон шум қилиғин бошлади,
Езини элтиб минордан ташлади:
Езининг етти пири ҳозир эди,
Оқ билакдан ерга тушмай ушлади.
Абдуллахон подшоҳи бокарам,
Езижон гуноҳини одил сўранг.

Минорадан икки марта ташлади. Ёлғондан вой юрагим, вой ичагим чиқиб кетди, деб дод-Фарёд қилди.

Подшо янада газабланиб, Езини дорга осиб ўлдиришга буюрди. Езининг қўлини орқасига боғлаб, ясоўуллар дорнинг тагига етаклаб олиб бордилар. Ези хонга қараб бир сўз айтди:

Абдуллахон, баланд бойла дорингни,
Дор устидан кўриб үлай ёримни;
Дор устидан кўрсатмасанг ёримни,
Бир кечада қўйдай қирай барингни.
Қизил гулни сувга солса эrimas,
Бу шаҳрингда мусофиirlар юриса,
Бу шаҳрингда мусофиirlар юриса,
Қўлда рўмол, кўзда ёши қуrimas,
Қўлда рўмол, кўзда ёши қуриса,
Мард йигит севганини олса қаримас,
Ой-ойдин кечалар, ойим менинг;
Майманоқнинг даштлари жойим менинг;
Қўлим боғлиқ, сийнам доғли бораман дор остига,
Айириб олсин Зебодай ёrim менинг.

Зебо Езининг аҳволига ачиниб, қаҳри келиб, унга вафодорлик баён қилиб, отасининг ҳай-ҳайллаганига қарамай, бир қўшиқ айтиб турипти:

Ой-ойдин кечалар ойинг сенинг,
Майманоқнинг даштлари жойинг сенинг.
Қўлинг боғлиқ борасан дор остига,
Не илож қилсин бунда ёринг сенинг?!

Чоршанба кун кириб эдим ғорга,
Банди бўлдинг банди бўлган ёрга.
Интизор бўлсан сенингдек ёрга.
Қирқ қулоч зулғимни ёйдим дорга.
Отгинантдан айланай, Ези тўрам,
Сен нари тур, мени тортсин дорга.

Абдуллахон адолатли подшодир.
Бегуноқ чиркайни¹ тортмас дорга.
Мен сенинг қадди-бўйингдан ўргилай,
Тилла ҳайкал кокилингдан, Ёзижон.

Ёзи:

Чоршанба кун кириб эдим форга,
Интизор бўлдим сенингдек ёрга.
Банди бўлсанг, банди бўлган ёрга,
Қирқ қулоч зулфингни отгин дорга.
Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай,
Бир қиё боққан кўзингдан, ой Зебом.

Зебо:

Гул эдим, бир гул эдим, бир гул эдим,
Чаманда сайрайдиган булбул эдим.
Бўйгинамни номаҳрам кўрмаган,
Ўйда юрган бўй киз эдим,
Қирқ қулоч сочини солдим дорга¹,
Сенинг учун мен кирай бозорга,
Абдуллахон беадолат бек экан,
Бегуноқ Ёзини осар дорга.
Қилмаса ҳақиқат Абдуллахон хон эмас,
Подшога тул хотин, етим-есир одам эмас.
Айш-ишратда кечар, меҳнатга ул ҳамдам эмас,
Хирси ҳайвон кўрсатур, ул ўзи одам эмас.

Ёзини кучук болани бойлагандай қилиб сарбозлар
дор тагига олиб келдилар.

Абдуллахон буюрди, Ёзини дорга тортди; Зебо қан-
чадан-қанча томоша қилаётган кишилар орасидан чи-
қиб, қирқ қулоч сочини телпак ичидан олиб, ўраб дор-
га отди. Ёзи қизнинг сочини ўхшатиб дорга боғлади.
Қиз бор кучини тўплаб сочини бу тарафдан ушлаб бир-
икки қаттиқ силтаб тортди. Абдуллахоннинг дори таги
 билан йиқилиб кетди. Ёзи дордан қутулиб қолди. По-

¹ Ч и р к а й — ҳашарот.

² Пардаев Эшқурбон (Қўқбулоқ) дан ёзиб олинган парчада
Ёзини чоҳга ташлангани ва Зебонинг юз газ сочи билан чоҳдан
кутқаргани айтилади.

Ёнданбай қизини бу ердан қўярда-қўймай туяга миндириб олиб кетди. Шу куни кечаси подшо уйида ётиб тушкўрди. Тушида бир киши «Ёзи сенга нима гуноҳ қилган эди. Тирилтиранг тирилтири, бўлмаса тож-тахтинг билан ер ютади», деди. Подшо тушидан қўрқиб, сачраб ўриидан туриб, ярим тунда ясовулларга топшириқ қилиди. Абдуллахон бу сирни куриб қўрқди ва ўйлади: бу ѹиз билан йигит жуда зўр баҳодир экан, агар улар аччигланса, ўзимни ўлдириб, шаҳримни вайрон қилишдан ҳам тоймайди. Юзидан қони қочган Абдуллахон Ёзини юпатиб, «отахонлик» қилиб унинг қўлидан ушлаб, аста одамлардан нарига — чеккага олиб чиқди ва деди:

— Ўғлим, сенга айтадиган бир оғиз гапим бор, қулоқ солсанг айтаман, бўлмаса йўқ.

Ёзи, агар гапингиз яхши бўлса, қулоқ соламан, бўлмаса йўқ,— деди. Абдуллахон сўзини давом эттириб:

— Мен подшо бўлсам, Поёндабой қўй ўтлатиб, қўй боқиб юрган бир чорвадор бой бўлса, менинг қизим подшо қизи бўлиб ўрдада ўтирган бўлса, Поёндабой-нинг қизи даштда эчки-улоқ боқиб юрган бир қиз бўлса, кел, шу Поёндабойнинг қизи деб юрма, менинг иккита қизим бор, бирининг оти Дастагул, ўзи гулдан чиройли, отим, подшолигим, қанча сарпойим, тож-тахтим ҳам сенини; шу икки қизимдан бирини хоҳлаб ол, подшолик қилиб, даврингни суриб ётавер. Поёндабой сени ўзига тенгсатмаса ҳам, мен сени ўзимга тенгсадим; бор, подшолигимни ол, деди. (Абдуллахоннинг ўзи Зебони хотин қилиб олмоқчи эди, шу сабабдан қизини Ёзига беришга тайёр турган эди). Ёзи Абдуллахоннинг бу гапига жавоб бермай орқасига қайтди; ҳалойиқининг ичига кириб, Абдуллахоннинг ниятини шайқаб, унинг сирини ошкора қилиб, баланд овоз билан бир сўз деб турипти:

Абдуллахон айтди: Ёзи кал, деди,
Бир гапим бор айтай қулоқ сол, деди,

Яхши отим, яхши түним ол, деди,
От устидан Дастангалим ол, деди,
Абдуллахон, айтган гапинг қулогимга поримас,
Калли Ёзи яхши отга, яхши түнга зор эмас.
Мен сенинг қомат-бүйингдан ўргилай,
Зебохон, шаҳло күзингдан ўргилай.

Абдуллахон Ёзининг бу гапидан жуда аччиғланди. Лекин индамади ва уни ўзи билан бирга олиб кетди. Ёзини яна бир синамоқчи бўлди ва унга шундай деди: олтмиш йилдан бери бойловли ётган отим бор, шу от билан уч кунлик йўлдан пиёдалаб бирга чопиб, ўзиб келсанг, қандай қилиб бўлса ҳам мен сенга Зебони Пойнабойдан олиб бераман, менинг қизимни олмасанг ҳам майли; ким шу шартни бажара олмаса, бошини дорга тортаман.

Хон энди Ёзини шу йўл билан ўлиб кетар, деб ўйлади. Ёзи Абдуллахоннинг бу шартига рози бўлди. Абдуллахон олтмиш йилдан бери бойловда ётган отни бойловдан чиқариб, қирқ кун совутишга буюрди; отни совутдилар, ундан кейин пойга бошланадиган томонга жўнадилар; йўлнинг ҳар ерида қоровул қўйдирди. Мўлжалланган жойга етиб боришиди. Ёзи отнинг айлини яхшилаб маҳкам қилиб тортиб берди; от устига пойгачи йигитни миндириди, унга қараб, сен кетавер, икки ракат номоз ўқиб олай, сунг бир оздан кейин сенинг орқангдан чопаман, пойганинг бошлангани шу, деб йигитни кўнмаслигига қарамай жўнатиб юборди. Ёзи бир фасл дам олди, номозни ўқиб бўлгач, йўлга равона бўлди. Жадал чопиб юриб, пойгачи йигитни қувиб етиб борди (пойгачи, барибир Ёзи менга етолмайди, деб, ўртача тезликда отини йўртиб бораётган эди). Ёзи йигитнинг ёнига яқинлашиб, бир юмалаб кўк каптар бўлиб қолди. Пойгачининг устидан икки айланиб ўтди ва унга тезроқ ҳайда, барибир етолмайсан деб, олдинга қараб ўтиб кетди. Пойгачи йигит ўз устидан учиб ўтган кўк каптарни кўриб қолди. Ёзи яна узоқлаб кетиб, йи-

гитга, ҳайда, деб қичқирди. Йигит овозни эшилди, лекин ҳеч нарсаны күрмади. Ёзи бориб йўлда ухлаб ётган қоровулни уйготиб, ухламанглар, гафлатда қолдинглар, Ёзи кал ўтиб кетди, деб учиб кетаверди, иккинчи қоровулларга ҳам, хабардор бўл, деб қўйди. Пойгачи йигит орқада қолиб кетди. Ёзи уч кунлик йўлни илдам босиб ўтиб Абдуллахон ўрдахонасига кириб борди. Буни кўрган хон ҳайрон бўлиб, Ёзини овқатлантириб яшириб қўйди. Бояги пойгачи, ясовуллар уч кундан кейин келишди. Абдуллахон пойгачидан, Ёзи қани, деб сўради. Пойгачи, билмайман, мени отга Ёзи миндирди, кейин бораман деб қолди, йўлда кўк каптарни кўриб қолдим, «ҳайда» деган овоз эшитилди, деди. Абдуллахон қоровулларни тергади. Биринчи қоровул кўк каптарни кўрдим, бошқа нарсани кўрмадим, деди. Иккинчи қоровул Ёзи мени олдимдан пиёдалаб ўтди, деди. Учинчи қоровул кўк каптарни кўрдим, бошқа ҳеч нарса билмайман, деди; Абдуллахон беркиниб ётган Ёзига қўл билан ишора қилди. Ёзи ётган жойидан тура келиб, бўлган воқеаларнинг ҳаммасини бирма-бир айтиб берди. Абдуллахон пойгачи йигитни Ёзидан кейин қолиб кетганлиги учун дорга тортмоқчи бўлди. Ёзи Абдуллахоннинг адолатсизлигини яхши билар эди. Пойгачи йигитни ўлимдан қутқариб қолиш учун, Абдуллахонга қараб бундай деди:

— Хон бобо, отингиз жуда қариб кетган экан, ўзингиз ҳам пойгага ярамайдиган шундай отни мендай учқур чопогон билан чопишга қўйдингиз, шунинг учун бу йигит менга етиб юролмади-да! — Абдуллахон пойгачи йигитни дордан бўшатиб юборди. Йигит Ёзидан жуда хурсанд бўлиб қолди. Ёзи ҳам умрбод бандиликдан озод бўлиб қолди. Абдуллахон Ёзига берган ваъдасини бажариш учун Поёндабойникига совчи юбормоқчи бўлди, икки совчини от миндиртириб жўнаётган эди, Ёзи уларни тўхтатди ва қизни нима деб сўрайсизлар, деди. Улар, Абдуллахон айтди, шу қизингизни Ёзи

калга беринг, деймиз, дедилар. Ёзи деди: бу гапларини гиздан бирон иш чиқмайды, яхшиси, бундай деб сұранглар:

Поёндабой қүйин ёйсин дарага.
Икки маҳрам совчи бўлдик орага;
Икки маҳрам совчи бўлсак орага,
Қизинг бергин Ёзидай бечорага.

Ёзи яна совчиларга қараб шундай деди:

Ола отли, янги тўнли Мирагим,
Сизни кўриб ғамга тўлди юрагим;
Майманоқда ўроқ ўрган ўроқчилар,
Тозисин тулкига қўшган овчилар,
Эрта бориб, тезроқ қайтинг, совчилар.

— Поёндабойни илгари кўрганимидиларинг,— деб сўради Ёзи совчилардан.

— Йўқ, кўрмаган эдик, танимаймиз,— деб жавоб берди совчилар.

— Ундаи бўлса, билиб олинглар: Поёндабойнинг қирқ ботмон калтаги бор, бир кўтарса, ҳайбатидан қўрқиб юракларинг ёрилмасин,— деди Ёзи ва совчиларни йўлга солиб юборди.

Совчилар қир ёқалаб Ёзи кўрсатган йўлдан бораверишди. Йўлда улар Поёндабойни учратди. Бой улардан бу ерларда нима иш билан юрибсизлар, деб сўради. Шунда совчилар Ёзи айтган гапни такрорлаб, бойдан унинг қизини сўрадилар.

Поёндабойнинг жаҳли чиқиб, бу ерда нима ишларинг бор, ўғримисизлар, тўғримисизлар, деб совчиларни уришиб, шундай жавоб берди:

Кўч десанг, Қашқар ёқалаб кўчаман;
Токаям Қашқар сувини ичаман;
Қизим берсан Ёзидай бечорага,
Каломулло Йигдириб онт ичаман.

Совчилар Абдуллахонникига қайтиб келаётганида Ёзи уларнинг олдидан чиқиб сўради:

— Қани, тўралар, бўри бўлдингларми ёки тулки?

Совчилар бўри бўлдик, дедилар. Поёндабойниг филини яхши билган Ёзи совчиларнинг бу жавобига ишонмади. Ҳаммалари хон ҳузурига бориб, бўлган гапни айтдилар. Ёзи Абдуллахондан эшонсурат бўлиб Поёндабойнига боришга розилик олди. Қозондек саллани, кийим-кечак, дасторларни, от-абзалларни олиб, китишга отланди. Отга миниб тез вақтда Поёндабой юртига етиб борди, отни Зебонинг чорбоғига қўйиб юборди. Поёндабой шу ерда дагана (гап) бераётган эди. Эшон келди деб ҳаммалари шошилиб қолишиди. Поёндабой тухумлайдиган товуқдай патирлаб жой ҳозирлади. Эшон — Ёзини бир уйга киритдилар; кўришиб, сўрашиб, дастурхон ёзиб, меҳмонларни кузатиш учун Поёндабой чиқиб кетди. Эшоннинг икки кўзи оқ ўтовда эди. Оқ ўтова Зебо Ёзидан тирик айрилганига куйиб, қаттиқ касал бўлиб ётган эди. Табиблар келиб, (касалнинг) давосини тополмади. Эшон келяпти деган хабарни Зебо ҳам эшилди. Овқат ея туриб Ёзининг Зебо Ёзига эшилтириб, оқ ўтова турниб қўшиқ айтди:

Холма-ҳол бўлдим, ҳабибим, қайдасан?
Мен бемор бўлдим, табибим, қайдасан?
Ҳиндистон табиблари келар-кетар,
Ошиқликнинг дардини табиб нетар?!
Ошиқликнинг дардини чеккан ёрим,
Пичоги устихонга етган ёрим,
Дардимга сен бир даво этсанг нетар?!

Ёзи:

Йўл юрдим, йўлда ёрим учради,
Эгнида жандан пир учради.
Юрагимда эски дардим бер эди:
Ҳам табибу сабабкорим учради.
Майлисингда ҳамма яхши, мен ёмон,
Майлисинг бузиб кетайин шу замон!
Мен ўзим бўз от миниб келгайдиман,
Уялиб уй ортида тургайдиман.
Мободо келганимни хуш кўрмасанг,
Ўзим келган йўлни хўп билгайдиман.

Зебо:

Айт дегаңда мен айтарман Ызини,
Қүш күтармас булбуллар овозини.
Қүш күтартса булбуллар овозини,
Йигит бұлсанг күтар қызниң нозици.
Айланай бұз от миниб көлтанингдан,
Үргилай ұам уалиб турғанингдан,
Тоқатим йүқдир сенинг кеттанингта.

Ези:

Майманоқ устида битган мошмиди,
Оқ қовоқ устида битган қошмиди;
Қор ёғди дейдилар аёзи бор,
Әшон келди дейдилар ниёзи бор,
Айни саңар келган әдим, ой Зебо,
Үй айланиб турған әдим, ой Зебо,
Сени дардант билған әдим, ой Зебом.

Зебо:

Айни саңар келтанингдан, Ызижон,
Әшопман деб юрганингдан, Ызижон,
Үй айланиб турғанингдан, Ызижон,
Менинг дардим билганингдан, Ызижон.

Ези:

Чархингнинг ҳар ёғида кашта күрдим,
Ой Зебони йигирма беш ёшда күрдим.
Калавадан бой бұлсанг, молинг қани?
Қатламаси қат патир, мойинг қани?
Юқоридан келаман түя миниб,
Олдимдан бир қызын чиқди тияман¹ деб.
Худога нола қылдым олмайман деб,
Орқамдан әргашади қолмайман деб.
Олма отдим сендей ёрга тегдими?
Текканини онанг наймит билдими?

Зебо:

Олма отган қулочингдан айланай,
Тұлғониб ётган кокилингдан айланай.

¹ Тияман — тегаман.

Икки дарё мавж уради тошгани,
Вир куни минарман жийрон қашқани,
Отгинангдан айланай, ойдай Зебом,
Сени севдим, севмай сендан бошқани.
Мен сени қомат-бўйингдан ўргилай,
Зебохон, фикру ўйингдан ўргилай.

Ёзи Зебонинг бундай кўнгилдан айтган сўзларидан шиҳоят мамнун бўлиб турганида Поёндабой уйга кириб қолди, Эшоннинг Ёзи эканлигини пайқаган Поёндабой нима қиласини билмай қолди. Зебо касал бўлиб ётган әди. Қизнинг руҳи енгил тортиб, ётган еридан туриб кетди, касали ариди. Зебонинг соғайиб қолганлигини қўриб, ичдан хурсанд бўлган бой эшонга ҳеч нарса деб ёлмади. Қисқа қилиб, қизимни бу чўпон йигитга бермайман, деб қўя қолди. Ёзи Зебонинг унутмаганлигидан, чин ошиқлигидан беҳад хурсанд бўлиб, ўзи ҳам вафодор қиз Зебо дарди билан яшаётганлигини баён қилиб, унга бир сўз деди:

Ёзижоннинг макриб деган халқи бор,
Чучутмаган зигир мойнинг талхи бор.
Тоғ шамоли якка пайкал ёзади.
Қизгина ўсмага жўя(к) қазади.
Мен айланай ўсмангнинг жўягидан,
Қурбон бўлай ақлингнинг доносидан.

Ёзи Абдуллахон ҳузурига қайтди, бўлган гапларни бир бир айтди. Қунлар ўтди, Зебони яна кўргиси келди, тоқат қилолмади. Ёзи Абдуллахоннинг кўнгли учун унга бундай деди:

Абдуллахон, нечададир ёшингиз,
Янги туққан ойга ухшар қошингиз,
Мен сизни бир ўтириб қилай дуо,
Йўлларда Хизир бўлсин йўлдошингиз.

Зебога совчиликка ўзим бораман, берса тўй қила-
миз, бермаса қайтиб келаман, деди Абдуллахон. Бунга

Ёзи күнмади ва подшога айтди, сиз борсангиз ишни бадтар бузасиз, яхшиси ўзим бораман. Абдуллахон, ўзинг қандай қилиб совчилик қиласан, деб сўради. Ёзи унга қараб: «Суворига минадиган отингизни берасиз, устингиздаги шоҳлик кийимларингизни берасиз, бошингиздаги тожингизни берасиз, сизнинг расмингизда бўлиб ўзим совчиликка бораман»,— деди. Ёзига йўқ дейишдан қўрқкан Абдуллахон иложсиз унинг айтганларига кўнди. Ёзига айтган отини, тўну сарполарини, бошидаги тож-дасторларини берди. Ёзи ўзининг устидаги эски жандасини, бошидаги жумуруни ташлади. Абдуллахоннинг шоҳона тўнларини кийиб олди. Қалпоги, жумуруни олиб тошнинг тагига бостириб қўйди. Ёзи Абдуллахоннинг отини миниб, «Абдуллахон» бўлиб совчиликка Поёндабойникига ўзи жўнади. Боргач, Поёндабой ва унинг одамлари Ёзини — Абдуллахон келди деб, отини ушлаб, қўлтиқлаб отдан туширдилар. Қиз яшайдиган оқ ўтовга солмоқчи бўлдилар; Зебо бу келган одамнинг Ёзи эканлигини дарров билди. Бошқалар ҳеч нарсани фаҳм қиласидилар. Ёзи оқ ўтовга кириш вақтида Зебо кулиб эшиқдан чиқиб кетди. Поёндабой ва унинг хизматкорлари шошилиб, чопишиб Абдуллахон келди деб дарров овқат тайёрладилар. Ёзи овқат еб бўлгач, совчилик қилиб «Абдуллахон» бўлиб секин-аста сўз бошлади:

Поёндабой қўйин тўкди дарага,
Абдуллахон совчи бўлди орага.
Абдуллахон совчи бўлмай найласин,
Беш юз тилла, бир от олди порага,
Абдуллахон совчи бўлди орага,
Бир от, икки қўй олса олсин порага;
От билан қўй олса ҳамки майлига,
Зебони қўшсин-да Ёзидай бечорага.
Поёндабой қўйин ёйсин дарага,
Хон Абдулла совчи бўлди орага.
Хон Абдулла совчи бўлса орага,
Бер қизингни Ёзидай бечорага.

Поёндабой деди:

Поёндабой қўйни ёймас дарага,
Хон Абдулла совчи бўлмас орага.
Отингиздан айланай, Абдуллахон,
Қиз бермайман Ёзидай бечорага.
Ҳақ дедим бошимни урдим тошга,
Тош ёримас кўздан оққан ёшга.
Отгинангдан айланай, Абдуллахон,
Қиз бермайман Ёзидай қаллочга.

Оғнингра Ёзи, мени шундай камбағал-қаллоч деб По-
ёндабой қизини бермай турган экан, деб ўзини тачит-
моқчи бўлди:

Ой Зебонинг оқ утовдан уйи бор,
Янги чиққан нов теракдай бўйи бор.
Ёзижонни бир дарбадар кал деманг,
Полопон торида беш минг қўйи бор.

Поёндабойдан бир иш чиқмагач, Ёзи Зебога қараб
шундай деди:

Олти ой боқдим қўйингни, ой Зебом,
Кўрсатиб кетгин бўйингни, ой Зебом,
Кўрсатиб ўтсанг бўйингни, ой Зебом,
Босиб берсам мен тўйингни, ой Зебом.
Ёзини қаллоч дебон қиз бермади,
Қаллочга мойил бўйингдан, ўргилай.
Зебоҳон, фикри-ўйингдан ўргилай.

Поёндабой бошқа жавоб бермади. «Абдуллахон» —
Ёзи хафа бўлиб қайтди. Абдуллахоннинг олдига бориб,
омонат от-анжом, тўн, тожларини топширди. Ўзининг
жандасини устига, жумуруни бошига кийди. Абдулла-
хон яна ўйланиб қолди. Ёзи кал бўлса ҳам дабдуруст
мард йигит экан, Поёндабой аҳмоқ бўлиб шундай яхши
Йигитга қизини бермапти. Мен ўзим қуёв қилиб бир
саркарда қилиб қўяй, деди.

Абдуллахоннинг икки минг тилла харжлаб олган
Дастагул деган барно, ҳуснига ҳар қандай киши тер-

милиб ўтирадиган хотини бор эди. Даастагулни подшо күзи қиймай эшикка ҳам чиқармас эди. Подшо йүң-гү (бир киши келиб түйга айтиб кетган эди), түйга борганимни билиб ўтириптими, деб Даастагул ясаниб-тусаниб, ўзига оро берип, босайми-босмайми деб останага қадам қўйганда Ёзини кўриб қолди: э, номаҳрам мени кўриб қолди, деб останада тұхтаб туриб қолди. Ёзи Даастагулнинг жигига тегиб, уни масхара қилиб:

Усма билан қора қилма қошни,
Хуснинг бўлса эритарсан тошни,—

деганда, бу гап Даастагулга қаттиқ ботди; уйинг куйгур кал, овозинг ёқимтой, ўзинг хунук, деб Даастагул ғўдраб, түйга бормай, уйга кириб, эрони гиламнинг устида ўтирган эди, бир бурга чиқиб, унинг оқ бадан сонини жаз этиб чақди. Буни кўриб турган Ёзи ўлганнинг устига тепган қилиб бир сўз деди:

Шаҳрингизда бурга султонлик қилур,
Юриб яхшиликка ошнолик қилур,
Эроний гиламдан бир бурга чиқиб,
Жаннати бўстонга боғбонлик қилур.

Бургани чаққанига бу гап қўшилиб, дард устига чипқон чиққандай бўлиб, ичкарига уйга кириб, бошини ўраб Даастагул йиглаб ётаверди.

Абдуллахон Ёзини тинчтиш, ундан бир йўла қутулиш учун Даастагулни олиб берсам кўнармикан, деб қўнглидан ўтказди ва Ёзини чақириб олиб, уни Даастагулга¹ уйлантириб қўйишини айтди.

Ёзи Зебонинг дардига куйганим етмасмиди, бу ортиқча ғалвани нима қиласман, деб хонга яна бир сўз деди:

¹ Даастагул — айрим вариантда Абдуллахоннинг чўтири хотини дейилади. Бундан аввал Абдуллахон Ёзини алдаб, Даастагулни қизим деб айтган эди.

Абдуллахон, минган оти бўртади,
Қамчи уриб отия секин йўртади;
Қўшаман деб Зебога қўша олмай,
Ёзиконнинг юрагини ўртади.
Абдуллахон, минган отинг қашқадир,
Тўрт туёғи лаъл зумрат тошчадир.
Дастагул деб мақтанма, Абдуллахон.
Бу қизингни асли зоти бошқадир.
Абдуллахон, минган отинг тўри(к)дир.
Тўри бўлса ҳам ҳайвоннинг зўридир.
Дастагул деб мақтанма, Абдуллахон.
Дастагулнинг асли зоти чўридир.
Беглари-ю, беглари-ю, беглари,
Йўл юрганда солинади енглари;
Дастагул деб мақтанма, Абдуллахон,
Бунда борми Зебожоннинг тентлари!
Ийлқ(и) ҳайдасанг, бўз йўргани миниб ҳайда,
Кўнглинг салқин тиласа, тогни жайла.
Ун тўртдан ўн бешга чиқиб эр олмаса,
Кўйлагингни богига қўнгироқ бойла.
Ҳиз ўн бешга кирганда тўлар экан,
Икки қўзи йигитда бўлар экан.
Ийгирмага киргунча эр олмаса,
Палак(и) ўлган қовундек сўлар экан.
Овулингни қўнгани тескақ қизлар,
Тол чивиқдек буралиб ўсган қизлар;
Ўттиз ёшга киргунча эр олмаса,
Отасини(нг) кўкайин кесган қизлар.
Кўккина капитарни кўрдим
Кўк тумори бўйнида.
Ҳар ерда яхшини кўрдим
Бир ёмоннинг қўйнида.
Кет десанг Қашқар кетай,
Йўлда ёлғизлик ёмон.
Ёлғизлидап ким ўлипти,
Барчадан хўрлик ёмон.

Абдуллахон Ёзининг бу гапларидан қаттиқ ғазаб-
жилиб, уни зинданга ташлади. Ёзи зинданда олти ой
ди. Боғдод вилоятининг подшоси Маҳмудхон Абдул-
лахонга урушда асир тушган эди. Абдуллахон одати
бўйича ҳар 5—6 ойда бир марта зинданда ётганлардан
ўзи хабар олар эди.





48 бетга





80 бетта

Шунда Абдуллахон, эх кал ҳам сўроқсиз зинданда ётган экан, олти ой ўтиб кетибди. Бой қизини бермабди, деб кейинга қайтди. Ёзининг зинданда бир ошнаси ҳам бор эди. Ўзи емай кулчадан бериб боқиб турди, унинг оти Маҳмуд эди. Шунда Абдуллахон зинданда Ёзини олиб келинглар, деб буйруқ берди. Калга ясовуллар бориб, чиқинг, кал, Абдуллахон чақиради сизни, деди. У, ўзим борайми, ўзим борадиган бўлсан, зиндандаги олти юз одам бушамай, мен чиқмайман, подшога бориб айт, мени қовуриб есин, деди. Менинг шугапларимни бориб айт, ҳамма бушатилмаса умр бўлиётаман, дегандан кейин ҳаммасининг сочини олдириб, сарпой бериб, ҳаммомга киритиб, битта-битта от бериб уй-уйига оқлаб юборди. Ёзи ошнаси Маҳмуд билан хонеконида қолди. Абдуллахон Ёзининг дўстидан нима учун сен келдинг, ҳамма кетди, айт, бўлмаса ўлдирман демоқда эди. Ёзидан ошнаси нима дейсан деб сўради. Ёзи:

Отим Маҳмуд, ўзим Богдод хониман,
Асрай кетсанг лаъл-гавҳар кониман,
Бир сабаб билан тушган эдим қўлингга,
Жавоб берсанг бози Богдод хониман.

дегин, деди.

Маҳмуд хонга қараб Ёзи ўргатганини айтди.

Келганимда арпа-буғдой тахт эди,
Донини олса, сомоннинг вақтидир.
Абдуллахон, неча бўлди ёшингиз,
Доимо давлатда бўлсин бошингиз.
Шу бугун уч бандини қиласанг озод,
Чўлларда Хизир бобо йўлдошингиз.

Ёзи энди Абдуллахонга қараб, ўз тилидан айтяпти:

Абдуллахон, минган отинг қашқадир,
Тўрт оёғи лаъл-гавҳар тошчадир.
Илоё тахтингдан туш, Абдуллахон,
Чоҳ ичида жонма-жоним қақшади.

Абдуллахон, минган отинг бўзди,
 Қамчи тортсам жами отдан ўзадир,
 Илоё тахtingдан туш, Абдуллахон,
 Чоҳ азоби юрак-бағрим эзади.
 Абдуллахон, минган отинг тўри(қ)дир,
 Тўри(қ) бўлса, жами отнинг зўридир,
 Илоё тахtingдан туш, Абдуллахон,
 Чоҳ ишида суюкларим чириди.
 Абдуллахон, минган отинг саман сари,
 Саратонда эрийди тогнинг қори.
 Саратонда эриса тогнинг қори,
 Номардиниг бўлмас экан номус-ори.
 Абдуллахон, минган отинг бўртади,
 Бўрта отга қамчи урса йўртади.
 Илоё тахtingдан туш, Абдуллахон,
 Чоҳ азоби юрак-багрим ўртади.
 Тоғ шамоли бу ерларга поримас,
 Уғлон бошим маломатдан аrimas;
 Уғлон бошим маломатдан ариса,
 Қўлда рўмол, кўзда ёшим қуrimas.
 Тонг сарув¹ бермай тўргайлар иолимас,
 Бу шаҳрингда мусофиirlар доримас.
 Бу шаҳрингга мусофиirlар дориса,
 Қўлда рўмол, кўзда ёши аrimas.
 Мунча ҳам гиш-гиш этади гишишалар²
 Тушмаям қонимни сўрди пашшалар.
 Пашшани оёқ-қули қилдан экан,
 Бандининг ётар жоши зиндон экан.
 Шом бўлмай шотеракда ётаман,
 Арз-додимни (бир) худога айтаман.
 Ара-додим (бир), худога етмаса,
 Чор тарафдан интизорлик тортаман.
 Интизорлик торта-торта танда тоқат колмади,
 Ер билан ўйнай дегани юракда тоқат қолмади.

Абдуллахон Ёзидан қутулмоқчи бўлиб, бандибонларга Ёзини чақиринглар ва ҳаммомга тушириб, кийимларини янгилаб, менинг олдимга олиб боринглар, деди.

Абдуллахон ўз ҳукмдорлиги даврида мингта равот

¹ Сарув -- ёришмаш.

² Гишишалар — қамишга ўхшаган ўсимлик.

құрдирған әди. Охирида Тошравот деган күргөн қурдираётғаи әди. Күп әлни ишлатиб ётган әди. Үша ерга Ёзини ҳам олиб бориб ишлатишга буюрди ва унга бошқа бир хотин олиб бераман деб ёлғондан ваъда қилди. Мекин Ёзи хоннинг бу гапларига сира күнмади. Зебодан бошқани демайман, деди. Ёзи бу ердаги одамларнинг күп бефойда меҳнат чекиб, қийинчиликлар билан равот қураётганига аччиғи чиқди, хафаланди. Одамларга раҳми келди, ачинди. Ёзи хонни баттарроқ ёмон күриб қолди. Одамларни ишдан совутиш, тарқатиб юбориш учун Абдуллахон қурдираётганды ишләётгандарга қаратиб, «Тош берган тошини олар, ғишт берган гиштини олар, Абдуллахон нимани олади?» — деб боплаб сұқди. Бу гапни Абдуллахон ҳам эшитді, ва Ёзига, нима деяпсан үзинг, меҳнатчиларни руҳини нега қайтарасан, деганда Ёзи хонга шундай деди: «Сен ҳали, мингта равот қилибсан, бундан кимга фойда, кимга зарар? Бир неча йилдан бери халқни ҳақ бермасдан шундай азоблаб, қийнаб ишлатасан, золимлик бундан ҳам ортиқ бұладими?! Меҳнатчиларнинг болаларини етим қилиб, оч-яланғоч қолдириб, хотинларини бева қилиб қўйдинг. Жавоб бергин, булар ҳам ўз тириклигини қилсин ахир, эй золим». Ёзининг бу гапи Абдуллахонга алам қилиб турған пайтда меҳнатчилар ҳам шов-шув қутаришиб бизга жавоб бер ё меҳнат ҳақимизни тұла, деб туриб олдилар. Абдуллахон меҳнат ҳақини тұламай, меҳнатчиларга жавоб беріб юборди. Шулар қатори Ёзига ҳам жавоб берди. Меҳнатчилар Ёзидан күп хурсанд бұлишди, уй-уйига кетишиди. Ёзи ҳамон Зебони ўйлар, унинг ишқ-муҳаббатидан куйиб йұлларда құшиқ айтиб борарди.

Зебожон отланди чиқди сой билан,
Құлида чинни пиёла май билан,
Чиннини подонга берманг синдирап,
Яхшини ёмонга берманг күйдирап.
Бевафо ёр қачон күнгил тиндирап!

Зебохон, отинг нима ой малика,
Рўмолингни дол қўйгин, жоним ука,
Ун тўрт ёшдан ийққан молим сеники,
Кўксингдаги қўш аноринг меники.
Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай,
Бир қиё боққан кўзингдан, ой Зебом.
Кўкариб кўринади тоғнинг тоши,
Кийилиб кетган экан ёрнинг қоши,
Кийилиб кетган бўлса ёрнинг қоши,
Йигитга яйлов экан ёрнинг тўши.

Ёзи юра-юра Амударё бўйига борди. Поёндабой ма-
на шу дарёдан кемачилар ёрдами билан эсон-омон ўтиб
кетган эди. Кетишида бой кемачиларнинг бошлиғи Аб-
дикаримга бир қанча пул бериб, Ёзининг ранги, бўйи-
бастини, тусини эслатиб, агар шу йигит келса ҳар ни-
ма қилиб бўлса ҳам, дарёдан ўтказмагин. Шунда у кў-
зига ҳеч нарса кўринмай ўзи дарёдан ўтмоқчи бўлади.
Шунда сизлар дарёнинг энг чуқур жойини кўрсатинг-
лар, ўтолмай ўлиб кетсин, деб қаттиқ тайинлаган эди.
Ёзи кемачиларга мени кемага солиб дарёдан ўтказинг-
лар деб ялинди, ўтказмади.

Кемачи, кемангни ташла, ўтайин,
Ой Зебомнинг кўчларига етайн.
Ер дей-дей адo бўлдим, ол мани,
Шўри дарё кемасига сол мани.
Отгинангдан айланай кемачилар,
Кемага солгин-да, ўтказгин мани.
Кемачилар, кемагинангга сол мани,
Ўтказгин-да, пулгинангни ол мана.
Бу кемангга солиб ҳам ўтказмасанг,
Дарёнинг қаърига ютқазгин мани.
Дарёларни ёқалаб солдим, гузар;
Очамайли¹ қизидан бўлдим безор;
Улим берсин анов бойнинг қизига,
Сочбогин узун қўйиб овул кезар.
Ёзи кални айтмангида, беназар,
Дарёйи шўрдан ўтади бегузар.

¹ Очамайли — ўзбек уруғларидан бирининг номи.

Кемачилар дарёдан ўткармагач, Ёзи улардан дарёнинг гузарини сўради. Кемачилар мана шу ердан ўтгип, деб дарёниг таги йўқ жойини кўрсатдилар. Ёзи туини (синаш учун) дарёга солган эди, у сузига ўтиб кетди. Кейин ўзини дарёга ташламоқчи бўлиб, чоригини қўлига олиб, этагини белига чалиб, таёғига таяниб дарёдан кечди, унинг кўзига дарё бешга бўлинниб, бешта ариқчадай бўлиб кўринди. Ёзи кавишини оёғига кийди, этагини туширди, беш марта ҳатлаб, дарёдан ўтиб кетди.

Кемачиларга қараб бир сўз деб турипти:

Кемачилар, кемагинанг кам бўлдими.
Йўл бермадинг мен сенга ғам бўлдимми?
Отгинангдан айланай, кемачилар.
Чоригимнинг чакаги нам бўлдими?
Ёзижон деб ном қўйдим мен ўзима,
Дарёлар ариқча бўлмас кўзима.
Отгинангдан айланай, кемачилар,
Таги йўқ дарёнг ҳам келмас тизима¹

Кемачилар бу сўзни эшитиб ҳайрон бўлиб қолишиди. Ёзи Зебонинг ишқида кўп азоб чекканлигидан нолиди, унга тезроқ етиб олиш, қизнинг кетган йўлларига кўп термила бериб, кўзига оқ тушганлигидан шикоят қиласди:

Отгинангдан айланай, ойдай Зебом,
Қаердасан қулоқ солгин сўзима,
Етолмадим кийик туёғ изингга,
Оқлар солдинг мени нозик кўзима.
Зебожон, зебо бўйингдан айланай,
Химчадек нозик белингдан ўргулай.
Дарёдан бўй ташладим ўтолмадим,
Сизни ташлаб олисга кетолмадим,
Сизни ташлаб олисга кетар эдим,
Ёнбошимга ер ботиб ётолмадим.

¹ Тиззамдан.

Ёзи тоглар томонга қараб йўл тортиб жўнай борди. Йўл юриб тогларнинг устидан бора бериб, Зебодан ёч нишона топмай бир тогнинг чўққисига чиқди. Шу баландликдан бир нима қўринармикан деб қаради. Қараса, тогнинг тагида Зебонинг үтовини кўрди ва астасекин тогдан эниб пастга туша берди. Поёндабой бир исча қўшни бойлар билан овқатланиб ўтириб, гапдан гап чиқиб, Ёзи ҳақида ҳам сухбатлашиши. Поёндабой, энди Ёзидан қутулдим ё яна келармикан, деганда бошقا бир бойлар, шунча пулни олиб Абдуллахон, уни тирик қўярмиди, зиндонга солган деб эшитган әдик, чоҳда чириб кетгандир. Ҳеч бўлмаса дарёга келиб, дарёдан ўтмоқчи бўлиб оқиб ўлгандир, деб туришганда бу гапларни эшитган Ёзи ўтирганларга салом бериб, секин кириб келади.

Дарёлар тошқин келади лой-лой,
Ассалому алайкум Поёндабой.
Зебохон деб аста чиқдим тевага,
Раҳминг келсин Ёзидайн бевага:
Пул бериссан Ёзини ўтказма деб,
Шунинг учун солишмади кемага.
Ошиқ бўлдим юзи ойдай санамга,
Чақмоқ чақмай ўтлар қўйди танамга,
Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай,
Бир қиё боқдан кўзингдан, ой Зебом.

Шу гапларни айтиб Ёзи Поёндабойга яқин келди. Бой Ёзини кўриб нима баҳона топишини билмай эсанкираб қолди ва ясамалик билан балли, ўғлим, келдингми, раҳмат сенга, кўп соғинган әдик, ўтири, мана овқате, деб юмшоқ гапирди. Орадан кўп вақт ўтиб кетди. Поёндабойнинг кичик хотини Ёзининг кўнглини хушлаб унга уч қари¹ бўздан нари-бери кўйлак-иштон тикиб берди ва буни ёч кимга билдирма, деб тайинлади. Ёзи буларни кийиб даштга чиқди. Поёндабой Ёзи

¹ Қарип — қулоч.

нининг янги кийимларини кўриб ҳайрон бўлиб қолди.
Ёзи ўтган гапни одамларга маълум қилиб, кичик хотиннинг сирини ошкор этди:

Хар кимки қиласа ўз сирини фош,
Ўз-ўзига булади ёмон йўлдош.
Бой хотини кўрсатади ўзини.
Эшигинлар Ёзижоннинг сўзини.
Иштон-куйлак тикиб берди Ёзига
Асраб юрган Поёндабой бўзини.

Шарманда бўлган кичик хотин аламига чидай олмади.

Бир куни ўша кичик хотин Ёзи ётган жойига кириб, унга атайнинг тегишида ва шу дамда Поёндабойнинг қошига бориб, Ёзи мени зўрлади деб тухмат қилди. Шу билан бирга, кичик хотин Поёндабойга, қизингиз ҳамма вақт Ёзи билан ўйнайди, бузуқ деб игво кўтарди.

Поёндабой Ёзини бу ишда ноҳақ айблади ва уриб ҳайдаб чиқарди. Ёзи қараб туриб менинг ёнимни тузукроқ олмади-я, деб Зебодан хафа бўлди ва қизнинг жигига тегиши мақсадида деди:

Шом бўлса тол тагида ўйнаган,
Қишиш қиров кўрмасин деб ариқларни бўйлаган.
Оқ олма, қизил олма еб тўймаган,
Жувон бўлиб қиз қилигин қўймаган.

Зебо ер ёрилмади, ерга кириб кетмади. Ёзига, қачон мени жувон қилиб қўйиб эдинг, деб иккиси шунда тортишиб қолди. Ёзи бу ердан кетди.

Ёзи бир форга кириб оғир аҳволда яшади. Муҳтоҷликдан, хўрлик ва зорлиқдан қаттиқ зорланди. **Ўз аҳволини баён қилиб, шундай қўшиқ айтди:**

Эй дўстларим, шу қия йўлиммикан,
Шом бўлса, ёстигим қўлиммикан;
Рост гапни ўйлаб айтинг, дўстларим,
Ердан айрилганим ўлиммикан?!
71

Зебо Ёзидан хабар олиб келайин деб тўртта қатла-
ма қилиб, бир коса қаймоқ, чакки билан ғорга келди
ва биргалашиб еб ўтириди. Зебони қидириб, унинг ака-
си Мирак ғорга келиб қолди. Ёзини тусатдан чамбар-
час қилиб боғлаб олди. Миракнинг оти ола, тўни сабза
эди. Ёзи ўз ахволини унга баён қилиб турипти:

Ола отли, сабза тўнли Мирагим,
Тулкини тозига қўшган зирагим;
Борар бўлсанг хон олдига борайлик,
Яккаликдан ёрilmасми юрагим.

Ёзи яна Миракка: «Мен нима гуноҳ қилдим, сенинг
ола байталингни ўғирлабманми? Хушторчилик қилиб
ётган жойимдан сен менга атайин душманлик қила-
ётиссан», — деди. Хоннинг сарбозлари ҳам Мирак би-
лан бирга келган эдилар, улар Ёзининг бу гапини
эшитиб, уни қўйиб юбордилар. Етти кундан кейин Зе-
бо Ёзини бормикин, йўқмикин деб, етти қатлама қи-
либ ғорга келди. Узоқдан қарасаки, Ёзи тўнғизнинг
ғорига кириб тошни бағрига босиб ётибди. Уни кўриб
Зебо, курсанд бўлиб, кулиб юборди. Ёзи Зебо кулган-
дан кейин унга:

— Танаси бошқа дард билмас дегандек, мен бу ғор-
да ўлолмай ётибман, аммо сен кулиб-ўйнаб келасан, —
деди.

Зебожон дарчани очди кирмадим,
Бир товоқ шафтоли қўйди емадим.
Зебожон, шафтолингиз нордон экан,
Бизга берган ватъдангиз ёлгон экан.
Оҳудек кўзга сузилмак ярашур,
Пистадек оғизга кулмак ярашур,
Оҳу кўзли Поёндабойнинг қизи,
Сизга кулмак, бизга ўлмак ярашур.

Зебо:

Оҳудек кўзга сузилмак қайда бор!
Пистадек оғизга кулмак қайда бор!
Үламан деб кўп койинманг, Ёзижон,
Беажал чивинга ўлмак қайда бор!

Вебо бу гапларни унга айтиб, яна сўради:

— Етти кундан бери нима тирикчилик қилиб ётибсан?

— Ҳар кечаси сени тушда кўраман, шунинг маслиги билан кунни кеч қиласман.

Ёзи бу ҳақда шундай ғазал айтди:

Сатқаи отинг кетай, гул Зебожон,
Кечаги туш билан овқат кечадир.

Шунда Зебохон вақти чоғ бўлиб мийигида кулиб қўйди (унинг лабида бир жўра холи бор эди).

Эй худоё, боқи умрим нечадир,
Қўзим сою кипригим сув ичадир;

Ёзи Зебонинг лабидаги холига кўзи тушиб, ҳазиз қилиб деди:

Қулоч ёздим отгинангнинг ёлига,
Қўзим тушди лабгинангнинг холига,
Сотар бўлсанг айтиб олгин баҳосин,
Сотиб олай Бадахшоннинг молига.

Шунда Зебо анча йилдан бери ёнингдан бирортоқора чақа чиққанини кўрганим йўғу Бадахшоннинг моли оғзингнинг бир бурчагидан чиқиб кетади-я, дедж ва икковлари кулишди. Ёзи Зебога деди:

Қизгина, қайнар булоққа бошламанг,
Моли йўқ деб моли кўпни хушламанг,
Молу пул қўлнинг кири, ювса кетар,
Оқ юзингни чор тарафга ташламанг.

Кеч бўлиб қолганидан Зебо яна отам билиб қолмасин деб уйига қайтди. Поёндабой Ёзининг Зебо билан вақт-бевақт кўришиб туришидан қўрқиб, яна у олиб қочмасин деб хавотирланди ва ўзи бу ердан узоқ жойларга кўчиш тараддудини кўрди. Бир кун бой Ёзини уйига чақириб олиб, унга яхши гапирди: уйда ун йўқ,

Бориб анови буғдойни тегирмонда тортиб кел, деди;
таяга икки чорак буғдойни ортиб берди. Ёзи суюниб
хўп деб бир сўз дегани:

Буғдойингни бу туянгга ортаман,
Ортиб бориб тезлик билан тортаман;
Отгинангдан ўргулай, эй Поёндабой,
Қайтиб келиб мақсадимга етаман.

Ёзи Поёндабойнинг фирибгарлик қилиб, ўзини ал-
даётганлигини, вақтни ганимат билиб яна қочиб кета-
жагига ақли етди. Зебо отасининг бу ишидан хабардор
эди. Энди Ёзидан узоқлашаётганига кўзи етган қиз
Ёзига шундай деди:

Оқ узум, қизил узум, гужум-гужум,
Четга кетиб боради бу ёлгизим;
Ўтирган катта-кичик дуо қилинг,
Ой бориб, омонда келсин ёлгизим.

Ёзи:

Баланд-баланд тепаларда ғоз ўлтирас,
Йўқчилик бошимга кулфат келтирас,
Йўқ бўлиб ога-инига термулгунча,
Тоғдаги арслон бўлай то ўлгунча.

Зебо:

Эй бек йигит, нечададир ёшингиз,
То умр иззатда бўлсин бошингиз.

Ёзи:

Майманоқда сен севарим, яхши қол,
Жондан қўшган тансиқ ёрим, яхши қол.

Ёзи тегирмонга жўнади. Тегирмонга борса одамлар
хўп, юк кўп. Ёзи тегирмончи Назар бобога қараб, иш-
ни тезроқ битказиш мақсадида бир сўз деди:

Ёзижон дәхқон юради қозига,
Бир калазаш¹ бугдой тегди Ёзига,
Бир калаваш бугдойни олиб келди
Ер қишлоқда тегирмоннинг созига,
Назар бобо, нечададир ёшингиз,
Доимо давлатда бўлсиз бошингиз.
Тегирмон навбатини берсанг менга,
Хар ерда Хизир бўлсин йўлдошингиз.
Гар бермасаиг тегирмон павбатини,
Кўчада кучук бўлсин йўлдошингиз.
Тегирмоннинг новидан сув тўкилар;
Икки тош орасидан ун тўкилар;
Тегирмонни менга бер, Назар бобо,
Қариб ўлсанг гўрингга нур тўкилар.

Назар бобо Ёзининг гапларига эриб кетиб, тегирмоннинг навбатини унга берди. Ёзи тегирмонга бугдойни солиб, жандасини чиқариб, дўлнинг оғзини ёпиб қўйди. Ёзи тегирмончига яна бир сўз деб турипти:

Тегирмончи був уради бувимни,
Отгинангдан айланай, Назар бобо,
Кўпайтиргин тегирмоннинг сувини.
Тегирмон ташлар унини ҳаммага,
Дўст тутиб айтма сирингни янгага,
Дўст тутиб айтсанг сирингни янгага,
Янгамиз ошкора қиласр ҳаммага.

Ёзи бир неча кунлаб тегирмонни торта берди, тегирмонга келган одамлар, шунча тортасанми, оз эдику сенинг бугдойинг, деб унинг қулидан тегирмонни тортиб олдилар. Тегирмон йўлнинг устида эди, Ёзи бозорчилардан фалон жойда Поёндабой бор, шу кишига айтинглар, унини олиб кетиш учун 60 тую гамлаб келсин деб, қофоз қилиб юборди. Бозорчилар бориб курсаки, Поёндабой у ердан номаълум томонга кўчиб кетган, у томондан келаётган бозорчиларга қофознинг орқасига бойнинг кўчиб кетганлигини ёзиб юбордилар.

¹ Калаваш — дупни.

Ёзи хатиі олгач, бир саноч унни саночга солиб, йүлга тушди. Қолган унни етим-есирларга тарқатди. Ёзи Қоёндабойнинг овулига келса, бой аллақачон күчиб кетган экан. Шошилганидан икки бузоқни қолдирипти. Күчиб кетар вақтида Зебо Ёзи келса ер деб, отасига билдирмасдан пича күмоч қилиб, қўрга кўмиб кетган эди, онасидан яшириб бир қорин ёғни ҳам қолдирган эди. Мендан нишона деб рўмолини ҳам қолдириб кетган эди. Ёзи кўмочни, мойни олиб, рўмолини қўлда ушлаб туриб, Зебонинг шаънига бир сўз деди:

Юртини кўрсам Зебом курганча бор,
Ой Зебом ошиқлигин қандай билай,
Учогини очиб кўрсам кўмочи бор,
Зебом кетди, юрти қолди ёдгор,
Юртини кўрсам Зебом рўмоли бор.
Рўмолини соя қилиб бир ухласам,
Хон Абдулла тахтига мингланча бор.

Ўша жойда иккита тана ўтлаб юрган эди. Ёзи Зебонинг икки танаси қолипти, бой шунга ҳам қарамай шошиб жўнапти, деб ўйлаб, таналарни олдига солиб, йўлга тушади ва шундай қўшиқ айтади:

Во дариго, булдим ўзим подавон,
Гўлимда эгри таёқ, йўлга равон.
Икки тана, бир бўта тушди товон.
Кўчга етгунча менинг дардим ёмон.
Эгасига топширай эсон-омон.
Тана-тўлпи йигилиб пода бўлар.
Подачилар бир-бириман қуда бўлар;
Икки ошиқ бир-биридан жудо бўлар.
Йиглай-йиглай тоғдан ошиб бораман,
Ҳасратингда куйиб, тошиб бораман.
Отгинангдан айланай, ойдай Зебом,
Ишқингда ўтдай, мен қамишдай ёнаман,
Отгинангдан айланай ойдай Зебом,
Мен сени топмай адашиб бораман.
Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргуладай,
Бир қиё боққин бўйингдан, ой Зебом.

Ези йўлларда сарсон бўлиб, бу дунё ишларини тескарилигидан, ўзининг бебаҳтлигидан ва золим фалакнинг, ярамас одамларнинг бадкирдорлигидан зорланиб, киноя билан, жуда аччигланиб, заҳарханда кулиб, Зебони ҳамон ёдида сақлаб, бир қўшиқ айтиб боради.

Подшоҳи давлатингни облайин,
Туя миниб товушқонни қувлайин,
Пашшани эгарлайин, юганлайин,
Бургага тұшаб талқон юклайин.
Майманоқ, сонсиз йўлингдан айланай,
Хиналар қўйган қўлингдан айланай.
Хинани бугун қўйсанг, тонгла кетар,
Тол химча ларzon бўйингдан айланай.

Ези Тошбулоқ деган бир сувли жойга бориб, дайратнинг бўйига бориб, полиз экмоқчи бўлади ва ўзича шундай дейди.

Тош ерда қовун эксам битгаймикан,
Таноби танобига етгаймикан;
Таноби танобига етган бўлса,
Ҳар ошиқ муродига етгаймикан?!

Ези тошли ёрларда икки танани қўшиб, дехқончилик қиласи. Унинг ери йўл устида эди. Ўткинчи бекорчилар ундан нима әкяпсан деб сўрашди. Ези, бу ерга қовун экаман, бундан буёғига (ернинг ярмини кўрсатди) Зебом учун гул экаман, деди. Унга бозорчилар, эй нодон, дехқонларнинг қовуни пишиб қолди, шу вақтда бу тошнинг ичидаги қовун кўкарадими деб, масхара қилиб кулдилар. Ези уларга шундай жавоб берди:

Дарёларни ёқалаб экдим палак,
Бозорчилар айтарлар: бўлма ҳалак...
Бозорчи боргунча бўлгин чор палак,
Бозорчи қайтгунча туг қўш ҳандалак!

Ёзининг бу гапига бозорчилар кулишиб ўтиб кетдилар. Бозорчилар бир неча кун йўл юриб, бозорлари ни битказиб қайтиб келсалар, Ёзининг палаги дарҳа-иңиқат олди тўрлаб, кейини таноб тортиб, гуллари ҳар хил ранг-баранг бўлиб очилиб, гулзор бўлиб қолипти. Бозорчилар Ёзининг палагидан қовун олиб ейишга уриндилар. Йўл остида бир палакда қўш ҳандалак кўринди. Шуни олиш учун отдан тушиб, узишмоқчи бўлди. Ҳандалакнинг бандидан тортди, Ёзи бозорчига қараб бир сўз деди:

Ёзининг эккан палаги гуллади,
Таноб тортмай зомбирчаси тўрлади,
Узаман деб ҳалак бўлма, бозорчи,
Бу палакни Ёзиназар қўллади.

Савдогарлар ҳандалак еёлмай, отга миниб жұнаб кетаётган эди, Ёзи уларга тайинлаб шу гапни айтди:

Йўл билан бораётган байтал сувор,
Бир боғ бугдой байталингга ортиб ол;
Бир боғ бугдой байталингга ортмасанг,
Бир гапим бор гул Зебога айтиб бор.
Палак экдим Тошбулоқнинг тошига,
Обод қиlldим кўзгинанинг ёшига;
Бориб айтинг Зебо ойдайин кишига,
Кўчиб келсин палагининг бошига.
Кўчиб келмаса палагининг бошига,
Мол қўяман палагининг лошига.
Палак эксам Тошбулоқнинг тошига,
Сайр қилсан қўш чашманинг бошида;
Тоғ шамоли хуруллайди бошима(да),
Садағинанг яхдай тегди тўшима,
Эрта тушда аста келгин қошима,
Астагина тортиб олай тўшима.
Садафинг яхдай тегса тўшима,
Садафингни олиб қўяй ёнбошима.

Ёзи Тошбулоқдалигида шу жойлар Зебонинг тушида аён бўлиб, Хизир айтдики: «Эй қизим, нима қиласан захда ётиб, гуллар очилган тоғ-тошни томоша қилсанг-чи».

Зебо одамлардан эшитибдики, Ёзи Тошбулоқ деган жойда қанча қевун, қанча гул әккан эмиш, чорбоғлар ҳосил қылганини, буларни ёрим Ёзи мен учун әккан бұлса керак деб үйлаб турганда, кечқурун овқат вакытида, дугоналари унга овқат олиб келишди. Қизлар нимага үйланиб турибсиз, деб сұрашди. Уларга: «Тошбулоқ деган жойда бир томонига гул әкилиб, бир томонни қовун әкилиб, шундай обод бұлған эмиш. Шу ерларни томоша қилиб келишни күнглім истайди, отамдан бориб сұранглар, сайдың қилиб келишга рухсат берсін, бермаса үлсам ҳам овқат емайман, қурбақадай үлиб кетсам ҳам розиман», дейди. Қизлар Поёндабойга бориб бу гапларни айтишди. Бой әрқа қизининг гапларидан күп ташвишланарди. Зебо ва қизларга Тошбулоққа боришга рухсат берди. Лекин, әртага эрта билан бориб, шомгача сайдың қилиб келинглар. У ерда яна ётиб қолманглар, деб қаттиқ тайинлади. У ерда мабодо Ёзи бұлмасин, әхтиёт бұлинглар, деб қизларни алохидада огоқлантирди. Қизлар Зебога отаси жавоб берганligini айтишди ва ҳаммалари бу оқшом бөш ювиб, соч үриб, қошга үсма, күзга сурма, құлға хина қуйиб, яхши кийимларини кийиб, хұп безандилар. Зебо құлиға ойна олиб, үзига баҳо бериб, бир сұз деб турипти:

Қиз дегани ҳурдай бўлмаса,
Тишлари мовлона дурдай бўлмаса;
Қизга берган бор молингни қайтиб ол,
Қоши, қўзи бари бирдай бўлмаса,
Қиз деган мисли қизил гул бўлмаса,
Сочини үрганда сунбул бўлмаса,
Қизга берган қалинингни қайтиб ол,
Сўзлаганда тили булбул бўлмаса.
Қизгинани ўзи кищдай¹ бўлмаса,
Үлтириш-туриши қушдай бўлмаса;
Эр йигит, берган молингни қайтиб ол,

¹ К и ш — қуидузнинг бир тури.

Тишлари мисли гуручдай бұлмаса.

Қизгинаңнинг қарқараси бұлмаса,

Қарқарадай дағдағаси бўлмаса,

Эр йигит, берган молингни қайтиб ол,

Оқ юзида жўра холи бўлмаса.

Дарёдан оқиб келаман ҳам айланиб, ҳам ўргулиб,

Ёргинам қафасга олгин, сайрайин булбул бўлиб,

Кўзингизга кўришмайин беҳиштдаги хур бўлиб,

Чаккангизга санчилайин боғда битган гул бўлиб.

Қизлар қўшиқ айтишиб, ухламай тонг оттирдилар. Зебо қизлар билан тонг отарданоқ чорбоққа қараб жунади. Бир неча вақт йўл юриб, чорбоққа етиши. Боришка, қизларнинг келишини билиб, Ёзи ёш боладай бўлиб, ўзини ухлаганга солиб ётган эди. Қизлар қараса, анчайин бир болса ухлаб ётипти. Зебо ундан, бу палак кимнинг палаги, деб сўради. Бола сачраб ўрнидан туриб келиб, Зебога салом берди, бу Ёзи поччамнинг палаклари, деди. Зебо, Ёзи поччанг қаерда, деб сўради. Бола, поччам яқиндагина бозорга қовун ортиб кетгэн эдилар. Сал эртароқ келганингизда яхши бўларди, деди. Зебо, Ёзи поччанг сенга бирор гап айтиб кетмадими, деб сўради. Ёзи поччам менга, шу бугун хаёлимда Зебо опанг келадигандай бўляпти, лекин келса ҳам дугоналари билан келади, келса майли-ю, лекин ҳамма қизлар палакка ораласин, бошқа қизлар гулзорга ораласин, палакка Зебо опангнинг ўзи ораласин. Палакка оралаганда устидаги кўйлагини чиқариб қўйсин, ичидағи хос кўйлаги қолсин; бошидаги рўмолини олиб қўйсин, бошидаги този қалпоқ (заррин қалпоқ) қолсин, сочини бошидан айлантириб пешонасига туғиб, кўйлагини кўкрагигача йиғиб олсин; лозимини тиззасидан юқори кўтарсин, шундай чаққон бўлиб палакни ораласин, бўлмаса кўйлаги палакнинг нартига тегиб ўсуvdан ҳам қолдиради, тугувдан ҳам, деб тайинлаган эди. Лекин, қизлар гул чорбогни қанча ораласа ҳам майли, деб айтган эдилар. Зебо қизларга гулзорга киришга рухсат берди, сизлар гул олиб

чиқинглар, мен қовун узиб чиқаман, деди. Қизлар гулга кетдилар, Зебо ўз хаёлида ўйлаб айтдики, агар кийимим билан ораласам, биронта палаги сұлса, Ёзижон хафа бўлиб юрмасин; кел, айтганини қиласай, деди ва устидаги кўйлагини ечди, хос кўйлаги қолди, рўмолини олиб қўйди, қалпоги қолди. Сочини бошига чамбар қилиб тугди, кўйлакни ёқасига олиб борди, лозимини тиззасидан юқори кутарди. Лекин у, Ёзининг ҳазил қилаётганлигини билмади. Зебо Ёзини танимади, ўзича бир бола бўлса керак деб қўйған эди. Зебо бир ўрам пахтадай оппоқ бўлиб палакка оралай бошлади. Бозорчилар узолмаган ҳандалакни кўриб қолди. Палаги лат емасин деб секингина тортди, узилмади, яна қаттиқроқ тортди, узилмади. Учинчи марта оз-моз жаҳлланиб ўнгарилиб олиб, палакнинг бўғиздан оёғи билан босиб, силтаб тортди, палак узилмади. Зебонинг аъзойи бадани ларzon еб кетди. Буни кўрган Ёзи маст бўлиб, Зебонинг шаънига бир қўшиқ айтди:

Зебо келди сайри бўстон этгали,
Кўкала майдонни сайрон этгали;
Гул кечиб, гул-гул босиб, ёр ўргилай,
Яна келдинг юрагим қон этгали.
Қор суви қайнаб оқади тагидан,
Жон қутулмас ошиқликнинг чангидан.
Химча кесдим Майманоқнинг токидан,
Қўл узатай кўйлагингнинг чокидан.
Сен агар от устидан ёрим десанг,
Буса олай ўнг бетингнинг оқидан.
Зебоё, қайси қилиғинг ёд этай,
Сен юрган кўчаларда фарёд этай,
Сен юрган кўчаларни тополмасам,
Гул билан ётган ёқамни чок этай.
Сени унда, мени бунда яратди,
Орамизга оқар дарё яратди;
Оқар дарё экан, оқди-да кетди,
Бевафо ёр экан, ташлади кетди.
Ергинам танга тилайди, на қиласай,

Бир танга, икки танга ёр сатқаси,
Рұмолим¹ уйда қолибди, на қилай.

Зебо Ізини танимади, қызлар билан отига миниб жұнамоқни үйлади. Шунда Ізи қизга қараб шундай қүшиқ айтди.

Қамчилаб сурди самандар отини,
Бир газал устида айтмай отини:
Бир салом берсам олмайдир алик,
Ізига бермайди йүрга отини.

Зебо индамай кетаётган эди, Ізи яна қичқирди:

Қамчилаб сурдим самандар созини,
Гул танирми булбулнинг овозини?
Бетга тортибидир етти парданы,
Сув истаб чанқагач танир Ізини.

Зебо орқасига қайрилиб қараса, Ізининг күзи йил-тиллаб турипти. Иккаласи икки тошға үлтириб, ҳасратлаша берди. Зебони құлтиғидан күтариб отға минидириди.

Иккаласи кетаётиб эди, уч айрилиш йүл күринди. Бир бедов от минган, подшоқи түн кийган бойвачча узангини босиб, от үйнатиб чиқиб келаверди. Зебожон уни күриб айтди, жүрттага:

— Зап бойвачча экан-да, тагида яхши оти бор экан, устида яхши түни бор экан. Шу бойвачча билан бирга юрсам, ҳар күн ов қилиб қирларни кезиб келар эканман, деди. Юрагимда бир газалим бор, бойвачча жавоб берсин. Бойвачча жавоб берса, бойвачча билан юрай, Ізи жавоб берса, Ізи билан юрай, деди.

Зебо:

Толға чиқсам толча бүйим толади.
Кетаберсам ёри-жұрам қолади.
Қайдан сүйдим икки юзлик лолани
Бирини десам, бирининг күнгли қолади.

¹ Пулим белбогымда эди, демекчи.

Ёзи туриб айтдики, сенинг юрагинг икки хилдир, бир ғазал айтайинки, ўлим-пўлумингга ризо бўлгин.

Сувга боқсам айланч-айланч оқадир,
Ёрга боқсам ҳар маҳомда боқади.
Ўлим берсин исфарангнинг қизига,
Пустин кийиб эчки-улоқ боқадир.

Зебо, ҳой бойвачча, қаёндан келган бўлсанг, ўша ерга кет, йўқ эса бошингни танангдан ажратаман, деди. Қизнинг ўтқирилигини кўрингки, бойвачча у ёққа ҳам кетишини билмасдан, бу ёққа ҳам кетишини билмасдан отини тұхтатиб турган жойида туриб қолди... Ёзи ҳам оёқ устида тұхтаб турди. Зебожон кетаётиси әди, бир муюшдан бир қора тулки чиқиб қолиб Зебожоннинг олдидан ўтаверди. Зебожон туриб айтдики, аттанг, отамнинг тозиларини бошлаб келган бўлсан, тулкини ушлаб келтириб берар әди. Отимнинг қончиғасига боғлаб овулга олиб кетар эканман. Хизир на зар қилган Ёзига бу сир аён бўлди: отангнинг тозисини йўқлагунча, мени йўқласанг бўлмайдими, деб дўп-писини тишлаб, тулкини қувлаб кетди. Бир тошнинг камарига қамаб тутиб Зебожоннинг қончиғасига боғлади.

Гирдоб юрди тупроқларни гардлади,
Бобо деди тозисини чарлади.
Мирак курра деган отлиқ бор әди,
Қайга борса тулкиси тайёр әди.

Ёзи, сен тулки тутганингни миннат қиласан, деб Зебо қовоғини етти қарич солиб кетаверди. Ёзи ҳам унинг ёнида кетаверди. Зебо ўз аҳволини куриб Ёзидан уялиб, шарм тери бошидан қўйиб отдан ийқилди. Ёзи дарров ўрнидан туриб, юргурганича чопиб, палакни босиб-янчиб, қизнинг олдига келди. Зебонинг бошини тиззасига қўйиб бир сўз деди:

Қиз деган ўн бешга кирса, боз этар,
Бошини тиззамга қўйиб ноз этар;

Киз боланинг шу ишига розиман,
Уч ой қишини бир кечада ёз этар.
Бир-бир териб Тошбулоқнинг тошини,
Палакман обод қилдим йўл бошини,
Олдини гулдай Зебо есин дедим,
Кимга керак бўлса олсин лошини.
Қовун экдим хона-хонаси билан,
Ўттиз икки тухум донаси билан,
Ошиқликни билмаган ойдай Зебо,
Аста келгин уйнинг панаси билан.
Мен-ку, олисдан келган бўз боламан,
Бўз бола деб сўрагандан айланаман,
Юра-юра тоғдан ошиб бораман,
Ғам билан фурбатга тошиб бораман,
Отгинангдан айланай, ойдай Зебом,
Ғамнинг гирдобига ботиб бораман.
Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай,
Бир қиё бекқан кўзингдан ой Зебом.

Ёзи ўз тақдиридан зорланиб, Зебо ишқида куйганини баён қилиб, яна қўшиқ айтди.

Қош қораликдан қарорим қолмади,
Интизорликдан мадорим қолмади.
Интизорлик шунча душвор иш экан,
Тасма деб эланганинг қайиш экан,
Ўлтириб сўрарга ҳолим қолмади;
Тасмабоз-а, тасмабоз-а, ҳўп тасмабоз,
Қўл узатсан, қўлгинамни кесма боз.
Қўл узатсан, қўлгинамни кессанг боз,
Ошиқликни барҳам урарсан қишу ёз.

Зебо:

Оқи́на кийик эдим, овладилар,
Ота-онам шаҳридан қувладилар.
Ота-онам шаҳрида бир гул эдим.
Бог ичиди сайрагич булбул эдим.

Ёзи Зебонинг тўлин ойдай жамолини кўриб, кўзининг нури тўкилгандай бўлди. Бунга парво қилмай қўшиқ айтди.

Зебоҳон чўлда кўкартди бофини,
Меваси олди кўзимнинг ёгини;

Меваси олса кўзимнинг ёгини,
Зебоҳон олсин юракнинг додини.
Қизгина, қайга борасан той миниб;
Тойингнинг оёғи синсин қайрилиб;
Майманоқдан сотиб олган бурдойим,
Яхшини ёмонга қўшган худойим;
Оқ олма, қизил олма пишмайдикан,
Икки яхши бирга ерга тушмайдикан.
Икки яхши бирга туша қолса,
Умрининг ўтганини билмайдикан.
Оқ олма, қизил олма нақшидир,
Оқ олмадан қизил олма яхшидир.

Зебо:

Меванинг ширини шафтоли донадир,
Яхшини ёмонга бермоқ зоядир.
Яхшини яхшига бер қурбони бўл,
То қиёмат бир-бирига соядир.

Ёзи:

Дерман доим алҳазар, ё алҳазар,
Ёзи ўлса, гўрини кимлар қазар?
Ёзи ўлса, гўрини гўрбон қазар;

Зебо:

Елғизман деб ғам еманг, Ёзи тўрам,
Ёзи ўлса гўрини ҳурлар қазар.

Ёзи:

Отгинангдан айланай, ойдай Зебом,
Зебо ўлса гўрини гўрбон қазар.

Зебо:

Кўчадан ўтмаки, ёрим, беҳолман,
Сен қизил олма бўлсанг, мен норман,
Сен ўзинг тўкилмаган тут баргисан,
Мен ўзим очилмаган гулзорман.

Ези:

Зебо ёр, овулда юрманг ит қопар,
Дүмини сиртига олиб шер чопар.
Мен кетарман ошиқлик жангалига,
Абдуллахон мени қаердан топар?!

Қиз секин үрнидан тура келди. Үзини бу аҳволда
куриб яна қаттиқ уялди. Бир оздан кейин кийимлари-
ни кийди, қизларнинг олдига борди. Қизлар даста-дас-
та гулларни узиб, шохларини синдириб, бир қанчаси-
ни томири билан суғириб олишипти. Зебо бориб ик-
ки жуфт гулни олди, икки қулоғига тақди ва қизлар-
ни олиб қайтди. Ёзи гулзорни қизлар босиб янчганли-
гини куриб, эккан гулларига ачиниб, қизлардан
шикоят қилиб, бир сүз деб турипти:

Чүлларда битган гиёning сони йүқ,
Ундан слиб тақмаганинг жони йүқ.
Яхшининг таққан гули бир жўрадир,
Ёмонлар таққан гулининг сони йүқ.
Яхшилар гулни қулоққа санчади,
Ёмон қизлар гулзорларни янчади.
Баланд-баланд тоғларда қуш ўлтирас,
Камбагаллик бошга кулфат келтирас.
Гул узарни билмаган нодон қизлар,
Гулни узса томирга зил келтирас.
Қиши чиққан сўнг қаранг(ки) ёз бўлама?
Палакка қирқин қиз ораласа оз бўлама?
Қирқин қизнинг бошлиги Зебо(о)йим,
Мунчаям қайқанглаган қиз бўлама?
Қоп-қора какликка ӯхшар кўзлари,
Рупарамда ўлтиради ўзлари,
Бир гапим бор айтгали уяламан,
Ақли бўлса билиб олсин ўзлари.
Нола қилдим, нола қилдим, дод мени,
Телба қилди ёр юборган хат мени,
Телба қилса ёр юборган хат мени,
Оқар дарё, гирдобингга торт мени.

Зебо қизларни эрганитириб жўнаамоқчи бўлди. От-
ланиш олдидан Ёзи қазыл қилиб, отининг узангисини

босиб кузатган киши бўлиб узангининг биттасини ечиб олди ва палакнинг остига секин яшириб қўйди. Қиз хаёл билан бир оёғида узанги бор-йуқлигини билмади. Ёзи ўзим билдираийн ва Зебони бир гапга солалин деб, бир сўз деди:

Тугуп иплар энди сўзда ечилар,
Отгинангдан айланай, ойдай Зебом,
Сен сўйласанг менинг кўнглим очилар;
Ой Зебом от устида, биз пастида,
Бир газал айтай Зебомнинг қасдида;
Бир газал, икки газал ёр сатқаси
Узангинг қолди палакнинг остида.

Зебо бир оёғида узангисининг йуқлигини билиб, Ёзига деди:

Ёзиё, даврингда гуллар очилур,
Сен сўйласанг менинг кўнглим очилур,
Сўйласанг, сўйламасанг омонда бул,
Қизил гул жойида бўлса очилур.
Ёзиё, ёзда келма, (сен) кузда кел,
Қўлингда даста-дста гул уза кел.
Яхшиларнинг қўлида бир даста гул —
Ёмонларнинг оёғи остидадир.
Отгинангдан айланай, Ёзи тўрам,
Узангим қайси палакнинг остида?

Ёзи:

Отгинангдан айланай, ойдай Зебом,
Узангинг кади¹ палакнинг остида.

Ёзи узангини тақиб берди-ю, яна ҳазил қилиб, қизни кетказгани қўймай, унинг қўлидан қамчисини олиб қўяди. Зебо Ёзига ялиниб, қамчини сўради.

Ёзи:

Зебо ёр отландилар от устига,
Зебо ёр, қамчин палакнинг остида,

¹ Кади — қовоқ.

Зебо ёр, мен сенга бир арз айтайин,
Ой юзингдан бир муччи берсанг агар,
Мен сени чўлларда мақтаб кетайин.

Веғо:

Айт деганда мен айтарман ғамчиси,
Кокилинг бўлсан отингнинг қамчиси,
Қамчинни олган бўлсанг, бергин, тўрам,
Отамнинг беш норга олган қамчиси.

Ези:

Айт деганда мен айтарман ғамчиси,
Кокилинг бўлса отимнинг қамчиси.
Икки дарё бир қўшилса мавж урас,
Мавж урган дарё қўзимнинг томчиси.
Тогда бўлдим туда бир гуллар билан,
Еогда бўлдим туда бир булбул билан.
Немади армонларим, ёр ўргулай,
Ўтди умрим сенингдек дилбар билан.

Ёзи Зебонинг қамчинини тарвуз палакнинг остидан олиб берди-ю, яна шу онда унинг қўлидаги қимматбаҳо узугини олиб қўйди. Зебо эркаланиб йиглади. Йингит қизнинг узугини ҳам қайтариб берди. Лекин узугини бера туриб унинг оқ юзидан ўпич олди. Оқшом бўлавергач, қизлар Зебога отасининг айтганини эсига солиб, уйга қайтишга қистайдилар. Зебо ноилож Ёзи билан хайр-хўшлашиб, келган томонга қараб жўнади. Ёзи Зебони анча жойгача кузатай деб бирга юрди. Шу жойда иккови хайрлашди. Зебо дарёнинг убетига ўтиб орқасига қаради, термилиб турган Ёзини кўрди ва улар бир-бирларига қараб қичқириб қўшиқ ойтдилар.

Ёзи:

Дарёнинг нарёғида экдим палак,
Бўлар-бўлмас ёр учун бўлманг ҳалак.
Баракалла қизларнинг дәҳқонига
Экмай-тикмай чиқарарлар қўш хандалам.

Зебо:

Дарёning у ёғида қўш ҳайдаган,
Қулоқ чупин итириб¹ бўш ҳайдаган,
Бўш ҳайдаган ерини беш ҳайдаган.
Белида белбоги йўқ, хас бойлаган.
Киссасида пули йўқ, қиз сайлаган.

Ези:

Дарёning ул бетида кўрдим сени,
Чодири чиммат билан севдим сени,
Дарёning ул бетида кўрдим сени,
Зулфи занжиринг солиб ўткар мени.
Зулфи занжиринг солиб ўткармасанг,
Қиёмат азобидан қутқар мени.

Зебо:

Дарёning нарёғида кўк майсалар,
Кўк майсага бизни элтиб қўйсалар,
Кимнинг ўғли, кимнинг қизи десалар,
Икковимизни бир қариндош десалар.

Ези:

Дарёning нарёғида бир туп мия,
Бир туп мия ичида чини гия.
Ўзекилаб чақирсан халқ эшитар,
Тожикилаб чақирай инжабиё.
Дарёning нарёғида тут пишипти,
Зебо ойнинг кўзига гул тушипти.
Бозор бордим дори-дармон олгани,
Ҳиндилар дўконига ўт тушипти.
Отгинангдан айланай, ойдай Зебом,
Қуралай нарғис кўзингдан ёр сени.

Зебо:

Дарёning нари бетида бир туп гўза,
Бир туп гўза остида тилла кўза.

¹ Итириб — йўқотиб.

Тилла күза күттаргани билак керак,
Ер билан ўйнагани юрак керак.

Ези:

Қизгина, чархинг бузилди, соз қип.
Айричоқ устига мин-да, ноз қип.
Ота-онанг уйида ҳамиша баҳор
Бунда келсанг қиши кунини ёз қип.
Ер дегандан юрагим ёрилмади,
Ер ҳолидан бир хабар олинмади,
Оғимга уриб эди бир тикон,
Бахтим қоралигидан олинмади.
Олти ой ёқаладим ёқаси йүң,
Бу дунёдан үргулай вафоси йўқ.
Дарёниг нарёғида якка чинор,
Барига қўнай десам шохи синар,
Мендайин булбулни кўндирамасанг,
Яна қайтиб шохингга зоғлар қўнар.

Зебо:

Дарёниг нарёғида бир туп апор,
Апор сувидан ичсам меҳрим қонар.
Апор сувин ичаман деб ичолмадим,
Ёзижондай ёримдан кечолмадим.

Ези:

Олти қизнинг ичида отинг Апор,
Сен Апорни кўрганда меҳрим қонар,
Сен Апорни кўрганда жоним Апор,
Юрак-бағрим тулашиб ўтдай ёнар.
Қошинг қора кўринар холи билан,
Қишлоқ кўрккам кўринар толи билан
Йигит билан қиз ўйнаса гуноҳ дейди;
Қалай кампир ўйнайди чоли билан.

Зебо:

Қўй гўштида маза йўқ туз бўлмаса,
Йигит қандай яшайди қиз бўлмаса!
Қора тог бағрида (бор) дўланаси,
Териб келсан қолмайди бир донаси.

Үйнаганни, кулганни ўйнаш дейди,
Бундай бұлса құрисин замонаси.
Дарёниңг ул юзида күрдим сизни,
Мұҳаббат дардида севдим сизни.
Мұҳаббат дардида севмай нетай,
Кичкинамдан күз очиб сөвдим сизни.

Ези:

Майманоқнинг каклиги хил бойлади,
Бизнинг ёр кетиш учун бел бойлади.
Бизнинг ёрнинг кетишидан кетмаси күп,
Юрагимнинг бандини қон айлади.

Зебо билан Ёзи күрган күзларга салом айтинг
дэйишиб қолдилар. Қизлар Зебо билан биргалашып үз
жойларига етиб боришиди. Шу кеча қизлар Поёндабой-
га Тошбулоққа саирга борганды Зебонинг Ёзи билан
күришгәнлигини айтишиди. Поёндабой Ёзидан қутулиш
учун Зебони зўрлаб бир катта бойнинг ўғлига унашди.

Қиз бунга рози эмаслигини отасига айтди:

Бу газални күп билиб, оз айтаман,
Үйингизда зори кетар овозим,
Қиши бодроққа солиб тез айтаман,
Агар Ёзи чўпон бўлса бас, соз айтаман.

Тўй куни бой кўлкари берди. Зебо эркак либосини
кийиб отланиб чиқди. Кўлкарида қатнашган киши бў-
либ одамлар орасида Ёзини қидириб юради. Тошбулоқ-
да Ёзи қаттиқ ухлаб қолиб туш кўрди; тушида Зебога
тўй келгандай бўлади. Чўчиб уйғониб, хаёлида қиёз
қўлдан кетгандай бўлиб, ваҳима билан йўлга тушади.
Ёзи йўл юриб Зебонинг ишқида куйиб, қушиқ айтиб
боради:

Кечада ётсан сен кирасан тушима,
Сен қўнглимда, қўлим бормас ишима,
Ой Зебожон, сен ҳам келгин қошима,
Оқ садафинг олиб қўйгин бошима,
Нор туюдай чўкайин оқ түшингга.

Зебо-Зебо деганда зевонаман,
Ҳар замон кўрсам бўйинг қувонаман.
Зебо-Зебо деганда зевонаман,
Зебожонни кўрмасам девонаман.
Бораман болохонангда ётгани,
Қўрқаман қўл узатиб уйғотгани;
Ошиқълик шунча душвор иш экан,
Бослиғаман¹ ёрим, ёлғиз ётгани.
Ҳаво ёғса лой бўлади кўчалар,
Ошиқнинг уйқуси келмас кечалар,
Ошиқнинг уйқуси келса кечалар.
Сатқа ошиқълик кетсин, ҳой бачалар!
Майманоқ устига бойлар кўчади,
Зебо десам, шу ўнг кўзим учади.
Ерга борган кечалар ой ботмасин,
Икки кеча бир бўлиб тонг отмасин.
Қаршидан ортдим туямга қирқ қозон,
Ёр учун ранги-рўйим бўлди хазон.
Айни сахар борган эдим ёр қўйнига
Уйинг куйгир сўфилар айтди аzon.
Оҳ урсам охир маломатдир менга,
Йиғласам кунда қиёматдир менга.
Эй худоё, бор худоё, бешни ярат,
Ёлғизни яратгунча тошни ярат.
Бири ўлса турти турар бошида,
Ёлғиз ўлса, кимлар турар қошида.
Ёр дедим тор юрак ёрilmади,
Ёр саридан² бир хабар олинмади.
Ишқ билан урган тикан сийнамдадир,
То қиёмат бўлмаям олинмади.
Зебом чиқди, мен ҳам чиқдим изидан,
Хоса кўйлак ой Зебонинг тизидан;
Шунчалар қайрил десам қайрилмади,
Қайрилса ўпсам Зебомнинг юзидан.
Химча кесдим заъфароннинг толидан,
Бенасиб этма лабингнинг холидан,
Бир хабар олгин етим аҳволидан.
Ёр дей-дей адо бўлдим, ёримни кўр,
Ёр учун яра еган жойимни кўр.
Ишонмайсан онтим билан шартима,
Камаримни ечгин-да қонимни кўр.

¹ Босинқирайман демоқчи.

² Бошидан, ҳолидан.

Қиз деганда қизиб тушди юрагим,
 Ишқ үтида адо бўлди суягим.
 Бу жаҳонда етмай армон-тилагим,
 Кўкка чиқди оҳу фигон куйларим.
 От чопиб чиқдим ариқнинг бошига,
 Кокилим тушди кўзимнинг ёшига.
 Қойил эмасман худо тақдирига,
 Ҳеч ошиқни қўшмади бир-бирига.
 Ер десам ёрим ёдимга тушар,
 Қулфи-занжир қўл-оёғимга тушар.
 Қулфи-занжир тушди деб койиманг,
 Ишқ савдосида не иш бошга тушар?!
 Зебо ой уйдан чиқар бир-бир босиб,
 Тилла ҳайкал тугмасин тўшга босиб,
 Анов тоглар берман¹ қараб нурагай,
 Тилла ҳайкал бўйингда шовдирагай²,
 Мен отангга қалин берай саксон қўзи,
 Қора кўзинг қўйнимда жовдирагай,
 Мен сенинг қомат-бўйингдан ўргилай.
 Бир қиё боқсан кўзингдан, ой Зебом.
 Қалман дедим жумур кийдим бошима,
 Қичқирсам келмайди ёрим қошима,
 Қичқирсам келсайди ёрим қошима,
 Астагина тортиб олай тўшима.
 Отгинандан айланай, ойдай Зебо,
 Раҳм қилгин кўздан оққан ёшима.
 Асли отим сурасанг Ёзиназар,
 Дарёйи шўрингда қолдим мен гузар;
 Банди бўлай қора зулфинг торига.
 Кўз ола қилма бироннинг ёрига,
 Осиларсан адолатнинг дорига.

Зебо отасининг зўрлаб эрга бераётганидан қаттиқ
 норози эди. Қиз дард-аламини ичига ютиб, Ёзини сира
 унутмади.

Шу кеча ёрим келади бедумоқ,
 Устихоним ёгидан ёқай чироқ.
 Қудратингдан ўргулай, жаббор эгам,
 Душманларга ҳукминг кўрсат эртароқ.

¹ Пастга.

² Шовдираш — шалдираш.

Ёзи йўлма-йўл юриб, Поёндабой тўйининг устидан келиб қолди. Қараса, ёри Зебо отга миниб, эркак либосини кийиб, тўйининг атрофида одамлар орасида юрган ёкан. Ҳамма кўпкари-улоқ билан овора эди. Зебо Ёзининг келганини билиб, уни жуда соғинганидан шундай қўшиқ айтади:

Самарқанд сойига тушди рўмолим,
Қачон келгай менинг соҳибжамолим.
Қачон келса менинг соҳибжамолим.
Шу йигит сатқаси бўлсин рўмолим.
Самарқанд сойига тушди узугим,
Қачон келгай менинг кўзи сузигим.
Қачон келса менинг кўзи сузигим,
Шу йигит сатқаси бўлсин узугим.
Шом бўлмай мен ёқарман шамчироқ,
Ошиқнинг кўздан йироги яхшироқ,
Яқин бўлиб куйиб-ёниб юргунча,
Олис бўлса интизорлик яхшироқ.
Ошиқ бўлдинг олти ойлик сапамга,
Бориб айтгун отам билан онамга.
Отгинангдан айланай, Ёзи тўрам,
Олов ёқмай ўтлар тушди танамга.

Ёзи:

Тура-тура кунглим хуруш айлади,
Дарёдай мавж уриб жўш айлади.
Ўлтирибсан бир жўра гулдай ёrim,
Сенинг ишқининг мени дарвеш айлади.
Меваи ҳуснинг етибдир баркамол,
Устига солгин ёrim дока рўмол
Бир кулиб афтимга боқсанг на ө, лур,
Мевадан ҳайрат қилсанг на булур?!

Зебо:

Бора-бора, боралардан айланай,
Юраги садпоралардан айланай,
Юраги садпоралар топилмаса,
Ўзимдай бечоралардан айланай,
Номозшомда бордим арпа янчгани,
Ер, ҳолатинг борми әшик очгани;

Ер ҳолатинг бўлса әшик очгани,
Қанот боғлаб келдим олиб қочгани.
Юринг, ёrim, борайлик бир гўшага,
Бир қўзи оп сўяйлик йул тушага.
Ер бўлсанг мардана бўлгин, ёrim,
Мени қўйма ғам билан андишага.

Ёзи жудолиқдан яна зорланиб, куйиниб, шундай
қўшиқ айтди:

Қорани қора дема, қаҳри келар,
Қора қовун ширин бўп лабни ёрап,
Анов тоғлар Хўжамармар тоғидир,
Сенинг кўксинг ошиқнинг маконидир,
Қўлингга қўйган хинанг қандай хина,
Ишқида куйган бол жувоннинг қонидир.
Шом бўлмай мен олисни кўзлайнин,
Бўтаси ўлган туядай бўзлайнин.
Бўтаси ўлган тую бўз-бўзгина,
Бизни ташлаб кетди қора кўзгина.
Бўтаси ўлган туялар бўз бўлур
Ишқ билан олган жувонлар қиз бўлур.
Жума куни югуриб чиқдим ғорга,
Биҳиштдан совға тилайман ёрга;
Биҳиштдан совға тилаб ололмасам,
Ўлганимча ёлғончиман ёрга.

Зебо:

Болбогнинг учиға тиккан каштаман,
Кўп маҳал бўлдим ёримдан бошқаман;
Кучакучча кўчга армон қолмади.
Йиглай-йиглай қўзимда нам қолмади.
Баракалла Ёзижоннинг феълига,
Йўлига боқмоқдан армон қолмади.
Оқ гул эдим, қизилга гул чотдилар¹,
Озод эдим банди қилиб сотдилар,
Бориб айтинг отам билан онамга,
Бизни сотиб не муродга етдилар?!
Дарадан келган шамолнинг гарди бор,
Сояда ётган йигитнинг дарди бор.
Қорайиб келган булат қор келтирас,
Келмайин кетган йигит ор келтирас,
Мен сенинг қомат бўйингдан ўргилай,
Тилла ҳайкал кокилингдан, Ёзижон.

¹ Мажбуран чатиштирилар, демоқчи.

Ёзи қараса, атрофида одамлар күп, унинг келганини битта-яримтаси билиб, яна ёмон иш бўлиб қолмасин деб ўйлади; бир амаллаб Зебони бу йўлдан қутқариб қолиш ва унга етишиш чорасини излади. Ёзи тулки терисини ёпиниб олди. Кўпкарининг атрофидан югуриб ўтиб кета берди. Зебо уни кўргач, («тулки» Ёзи эканлигини яхши билади) тулкини қувлаган бўлиб, одамларни тарқатиб юбориш учун тулки-бури келди деб шовқин кўтарди ва Ёзини қувлаб кетди. Ёзи қочиб, жарликка ўзини ташлаб югурди. Унинг кетидан Зебо отда чопди. Нарироққа бориб қиз отни қўйиб юборди ва пиёдалаб Ёзининг кетидан қорама-қора борди. Ёзи тоғлик жойга бориб, бир ғорнинг ичига кириб кетди. Унинг кетидан Зебо ҳам шу горга кирди. Поёндабой қизини қидира-қидира ҳеч қаердан тополмади. Бой тўйни тарқатиб юборди. Зебони Ёзи билан қочган бўлса керак, деб ҳар томонга одамлар юбориб излади. Барибир, тополмади. Ёзи билан Зебо ғорда бир умр бирга яшаб ўтдилар, мурод-мақсадларига етдилар.

Анов тоғнинг бағрида кийик ётар,
Тўрт оёғин бағрига йигиб ётар;
Илкиллаган асов тойдай бойнинг қизи,
Куёвнинг қўйнида суйиб ётар.
Ким ўқиса бу ҳақ дейди Ёзини,
Тулкига душман яратди тозини;
Сиз-биздай бир тоифа ошиқ ўтар,
Судрашиб безор қиласди қозини.





